БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 16 март Жума
№ 52 (13. 488). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

СССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИДА

МОСКВА. (ТАСС). 14 март куни СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съездида Конституциядаги бир қанча қоидаларга ўзгартишлар тўғрисидаги масала қонун йўли билан ҳал этилди.

СССР Конституциясига сиёсий система масалаларига доир (СССР Конституциясининг 6 ва 7-моддалари) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мазкур моддаларнинг янги таҳрири демократияни янада ривожлантириш, жамиятимизда сиёсий фикрлар хилма-хиллигининг қарор топиши, бошқарувнинг барча соҳаларида халқ оммаси иштирокининг кенгайтирилиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, мамлакатда янги сиёсий партиялар, турли жамоат ташкилотлар ва ҳаракатлар пайдо бўлиши имкониятини назарда тутади.

СССР Конституциясининг иқтисодий система асосий жиҳатларини белгилаб берувчи моддалари ҳам тубдан ўзгартирилди. Яқинда қабул қилинган СССРда мулкчилик тўғрисидаги Қонун ва ер ҳақидаги Қонун асослари ана шу янги моддаларнинг манбаи бўлди. Уларнинг асосий мақсади — ходимнинг ишлаб чиқариш воситасидан бегоналашувини бартараф этиш, мулкчиликнинг турли шакллари мустаҳкамланиши ва рағбатлантирилишини имкони борича кўпроқ таъминлаш, одамларнинг омилкорлик ташаббусини жонлантиришдан иборат.

Мамлакат Асосий Қонунига махсус боб киритилган бўлиб, унда Президентни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари ва масъулияти, бошқа давлат органлари билан ўзаро муносабатлари белгилаб берилган.

СССРнинг биринчи Президенти СССР халқ депутатлари съезди томонидан сайланиши ҳам белгиланди. Кейинчалик Совет давлатининг бошлиғи ялпи, тенг ва тўғридан-тўғри сайланиш ҳуқуқи асосида беш йил муддатга яширин овоз бериш йўли билан сайланади. СССР Президенти қилиб сайланган киши қасамёд қилган пайтдан бошлаб лавозимни эгаллайди. Қасамёд матни тасдиқланган.

СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ва СССР Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга кирди.

СССР халқ депутатлари съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1990 йил 14 март куни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди. Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР Президенти лавозимига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Пленум ишида КПССдан СССР халқ депутатлари қатнашдилар.

Пленумда Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. А. Масол, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Г. Гумбаридзе, КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари Н. И. Мальков, СССРнинг Америка Қўшма Штатларидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ю. В. Дубинин, Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. К. Лучинский, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Я. Вагрис, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков сўзга чиқдилар.

Пленум СССР Президенти лавозимига Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев номзодини кўрсатишга қарор қилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев нутқ сўзлади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттиради.

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти тўғрисида

СССР халқ депутатлари Съезди **қарор қилади:**

Ўртоқ Михаил Сергеевич **Горбачев** Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти этиб сайлансин.



СССР Президенти М. С. ГОРБАЧЕВ:

МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚЛАРИГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШГА, СССР КОНСТИТУЦИЯСИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ЭТИШГА, ГРАЖДАНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА КАФОЛАТ БЕРИШГА, ЗИММАМГА ЮКЛАНГАН СССР ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЮКСАК ВАЗИФАЛАРИНИ ВИЖДОНАН БАЖАРИШГА ТАНТАНАЛИ ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН.

СССРнинг биринчи Президенти қасамёд қилди

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ КРЕМЛДАН ХАБАР БЕРАДИЛАР

Михаил Сергеевич Горбачев СССРнинг биринчи Президенти этиб сайланди. 15 март куни эрталаб СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари III Съездида шу ҳақда эълон қилинди.

Раислик қилувчи **А. И. Лукьянов** съезд ҳисоб комиссиясининг раҳбари **Ю. А. Осипьян**га сўз берди, у кеча кечқурун ўтказилган яширин овоз бериш натижаларини эълон қилди. ССР Иттифоқи халқ депутатлари жами 2245 нафар. Кечаги овоз бериш чоғида роппа-роса 2000 нафар СССР халқ депутати сайлов бюллетенини олди. Сайлов қутилари очилганида 1878 та бюллетень чиқди. Овозлар ҳисобланаётган вақтда 54 та бюллетень бекор қилинди.

Берилган овозлар қуйидагича тақсимланди: номзодни ёқлаб 1329 овоз берилди, 495 депутат қарши овоз берди.

Шундай қилиб, деди комиссия раиси зал аҳлининг қарсаклари остида, овозларни ҳисоблаш асосида ўртоқ Михаил Сергеевич Горбачев ССР Иттифоқининг Президенти этиб сайланди.

Комиссия раиси депутатлардан бирининг саволига жавоб қайтариб, қуйидагича изоҳ берди: М. С. Горбачев номзодини ёқлаб съезднинг рўйхатдаги составидан овозларнинг 59,2 фоизи ёки бюллетень олган депутатларнинг 66,45 фоизи ёки овоз беришда иштирок этганларнинг 70,76 фоизи овоз берди. Сўнгги икки рақам маълумот тусидадир. Биринчи рақам эса расмий рақамдир.

Съезд ҳисоб комиссиясининг протоколини тасдиқлади.

Яширин овоз бериш якунларига кўра қарор қабул қилинди: ўртоқ **Михаил Сергеевич Горбачев** Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти этиб сайлансин.

СССР Конституциясига мувофиқ, мамлакат Президенти СССР халқ депутатлари Съездининг мажлисида қасамёд қилади.

СССР халқ депутатлари, съезд меҳмонлари ўринларидан турадилар. Президент съезд тасдиқлаган СССР Конституциясини ушлаб туриб қасамёд қилади: «Мамлакатимиз халқларига садоқат билан хизмат қилишга, СССР Конституциясига қатъий риоя этишга, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига кафолат беришга, зиммамга юкланган СССР Президентининг юксак вазифаларини виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Раислик қилувчи Съезд номидан мажлис аҳлининг қарсаклари остида М. С. Горбачевни Совет давлати раҳбари вазифасини бажаришга киришган СССРнинг биринчи Президенти деб эълон қилади.

СССР президенти **М. С. Горбачев** минбар ёнига келади ва нутқ сўзлайди.

(ТАСС).



Жамиятимизда билим юртларининг ўрни қандай? Ҳозирда мазкур саволга турлича қарашлар бор. Биров «Билим юртларининг вақти ўтди, уларни аллақачон беркитиш керак» деса, иккинчиси, «Йўқ, ҳали бизда мутахассислар етишмайди», демоқда. Ким нима деса, десин-у, лекин Андижон шаҳридаги 32-ҳунар-техника билим юрти ҳақида илиқ гаплар бор. Билим юрти Фарғона водийсида ягона. Билим даргоҳида вилоят билим юртлари ўқувчилари учун 53 минг сўмлик пойафзал ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: билим юрти ўқувчиси Дилфуза Аҳатова.

Суратчи: Аъзамжон МИРЗАЖОН.

НАВРЎЗ ТАРАДДУДИ

Республикамизда ҳақиқий халқ байрами Наврўзнинг тикланиши, унга миллий байрам мақоми берилиши кўтаринки руҳда кутиб олинди. Март ойининг учинчи ўн кунлигидан бошланадиган ҳамма кунлар бутун халқимизнинг ёрқин ва қувончли байрамига айланиши, ҳар бир хонадонга файз бахш этиб, кишилар қалбида яхшилик ва меҳр-мурувват, муҳаббат ва бахт-саодат нурлари билан тўлдириши лозим. Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилот комитетининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда гапирилди. Мажлисни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ж. Ҳ. Ҳамидов олиб борди.

Партия ва совет идораларига, меҳнат коллективлари, маданият муассасаларининг раҳбарларига жамоатчиликнинг ижодий ташаббусига кенгроқ таяниш, маъмуриятчилик ва ишларни қалаштириб ташлашдан қочиш таклиф қилинди. Байрамга тайёргарлик чоғида кўчалар ва майдонларни тозалаш, хиёбонлар ва боғларни ободонлаштириш, янги мевазор боғлар яратиш юзасидан халқ ҳашарларини ўтказиш тавсия этилди. Тошкентдаги Ҳамза район жамоатчилигининг 18 март куни Наврўз шарафига якшанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди ва маъқулланди.

Наврўзнинг асосий мазмуни бирлик, қардошлик, дўстлик эканлиги, ушбу баҳор байрамини баҳамжиҳат ўтказиш анъаналарининг муҳимлиги таъкидланди. Бу йилги Наврўз Ўзбекистонда яшаётган барча миллат вакиллари ўртасидаги яхши, илиқ, самимий муносабатларни тиклашга ёрдам бериши кераклиги айтиб ўтилди.

21 март куни республикамиз шаҳар ва қишлоқларида барча кишилар Наврўзнинг анъанавий таомини тотиб кўришлари учун умумхалқ дастурхонини ёзиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Айни вақтда байрамнинг асосий таоми — сумалак текинга берилади.

Министрликлар ва идоралар раҳбарларининг Наврўзга тайёргарлик тўғрисидаги ахборотлари ҳам тингланди.

Наврўз байрамида қатнашиш учун ҳар бир областга ва Қорақалпоғистонга республика ташкилот комитетининг аъзолари боришлари хусусида келишиб олинди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари В. И. Бугров, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Анжумандан сўнг

ЕЧИМСИЗ МУАММО ЙЎҚ

Бугун комсомол тақдири нафақат унинг раҳбар ходимларини, шунингдек, барча комсомол аъзоларини ҳам ўйлантиради, ташвишлантиради. Яқинда якун топган ҳисобот-сайлов йиғилиш ва конференциялари фикримизга далил. Ўсмирлар ва ёшлар билан ишлаш, уларнинг бўш вақтларини ижтимоий-фойдали ишларга, машғулотларга йўналтириш, ёшлар ўртасида қонунбузарлик ҳоллари юз беришининг олдини олиш комсомол ташкилотлари олдида турган муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шубҳасиз, бу муаммолар маъурий органлар билан ҳамкорликда иш олиб борилгандагина ўз ечимини топиши мумкин. Ҳўш, бундай ҳамкорлик амалда қандай? Мухбиримиз яқинда Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси сиёсий бўлимининг ёш кадрлар билан ишлаш бўйича бошлиқ муовини, ички хизмат капитани Илҳом ЙЎЛДОШЕВ билан ана шулар ҳақида мусоҳабада бўлди.

— Вилоят комсомол конференцияси делегати, вилоят комсомол қўмитаси бюроси аъзоси сифатида яқинда бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияси тўғрисида қисқача фикрларингизни ўртоқлашсангиз.

— Конференция ўтган ҳисобот-сайловдан кейин (унда ҳам делегат эдим) комсомол-ёшларнинг сиёсий онги анчайин ўсганлигини кўрсатди. Комсомол мавқеи тушган деган гапларни жуда кўп эшитамиз-у, лекин нима бўлганда ҳам кейинги пайтларда ёшлар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда сезиларли даражада фаоллашаётганликлари ҳам ҳақиқат. Шу билан бир қаторда масалани фақат бир томонлама кўриб, аюҳаннос солувчи сафсатабозлар ҳам кўпайганлигини яққол сезиш мумкин. Вилоят комсомол конференциясида ҳам шу ҳолнинг гувоҳи бўлдим. Айниқса, президиумга неча кишини сайлаш, анжуман қайси тилда олиб борилиши кераклиги тўғрисидаги тортишувлар анча вақт олди, бу масалалар эҳтиросли тортишувларга сабаб бўлди. Ҳолбуки, комсомол фаоллари ва делегатлар анжуманга мутлақо бошқа, долзарб ва муҳим масалаларни ҳал этиш учун тўпланган эдилар.

Яна бир нарса. Ҳисобот маърузаси юзасидан сўзга чиққан делегатларнинг аксар қисми асосан комсомол, партия ва жамиятдаги нуқсонлар, камчиликлар ҳақида гапиришди. Аммо ана шу камчиликларга барҳам бериш йўллари ҳақида бирор бир тайинлироқ фикр, таклиф билдиришмади. Ҳолбуки, мавқени тиклаш учун бу жуда зарур, деб ўйлайман.

— Нега бу фикрларни конференция минбаридан туриб гапирмадингиз?

— Очиғи, сўз беришмади менга. Йўқса, бир неча маротаба сўз сўрадим. Президиум аъзоси бўлишимга қарамай, икки оғиз гапиришга имкон бўлмади. Мен вилоятимиз ҳудудида содир этилаётган қонунбузарлик ҳоллари, уларнинг сабаблари, бундай ҳолларга қарши кўрилаётган чора-тадбирларнинг қай ҳолдалиги ва ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши курашда комсомолнинг роли ҳақида гапирмоқчи эдим.

— Илҳом ака, узр. Шу ерда бир чекиниш қилсак. Мен Тошкент шаҳар комсомол конференциясида қатнашгандим. Ҳисобот маърузасида шундай жумлалар бор:

«Ёшлар жиноятчилиги масалалари доимий равишда шаҳар ва ноҳия комсомол қўмиталарининг бюроларида, пленумларида, мажлисларида кўриб чиқилмоқда. Бироқ биз ўз-ўзини танқид асосида тан олишимиз зарур. Ўтказилган ишлар кўлами қонун бузилишларига қарши сезиларли ижобий натижа бермаяпти. Бунинг бош сабабаларидан бири—кўплаб комсомол қўмиталарининг ташаббуссизлиги, қатъиятсизлигидир. Кўп ҳолларда фаолиятсизлик ва ишёқмасликдир.

...Уюшган жиноятчилик ҳусусида гап борадиган бўлса, шуни айтиш лозимки, биз бугун унга қандай ёндашишни ҳам билмаймиз. Шундай экан, мунтазам кураш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас».

Кўриниб турибдики, комсомолларнинг ўзлари тан олишмоқда. Жиноятчиликка қарши курашда комсомол қўмиталарининг роли умуман сезилмаяпти. Ишнинг яхши йўлга қўйилиши учун нималар қилиниши керак деб ўйлайсиз?

— Ёшлар ўртасида жиноятчиликка қарши курашда комсомол ҳеч иш қилмаяпти, дейиш нотўғри. Комсомол ташкилотлари бу борада талай ишларни олиб боришаяпти. Аммо аксар уринишлар, қабул қилинган қарорлар самарасиз қолиб кетаяпти. Бу бир жойда туриб югуришга ўхшайди: ҳаракат бор-у, лекин бир жойда ер депсинаверасиз, натижа йўқ. Ёшлар ўртасида жиноятчилик ўсаяпти, дедик. Ҳўш, унга қарши аниқ қандай ишлар қилаяпмиз? Комсомол ташкилотлари тарбияси оғир ўсмирларни оталиққа олишаяпти, пленумлар ўтказишаяпти, қарорлар қабул қилинаяпти. Кейин-чи? Бу саволга юқорида жавоб бердик.

Ўтган йил мобайнида балоғатга етмаган ёшлар ишлари билан шуғулланувчи инспекция ҳисобида турувчиларнинг биронтаси ҳисобдан ўчирилмайди. Қани уларни оталиққа олган ташкилотлар ва кишилар?

Вилоят комсомол қўмитасида тарғибот-ташвиқот бўлими билан спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик бўлимлари қўшилди. Бу бирлаштириш амалда ўзини оқламади. Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат тузилаётган бир пайтда комсомол ўзининг асосий вазифаларидан бири-ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш деб билса, тўғрироқ бўларди.

— Милиция органларидаги комсомол ташкилотларининг фаолияти ҳақида нима дейсиз?

— Маълумки, кейинги вақтларда жиноятчилик, жумладан, уюшган жиноятчиликка барҳам бериш юзасидан партия-ҳукуматимиз талай қарорлар қабул қилди. Қани энди бу қарорлар осонликча бажарилса. Ҳозир вазият жуда жиддий. Тартиб посбонларига оғир. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда содир этилаётган тартибсизликлар, очиғи, тинкамизни қуритади. Жиноятчиликка қарши босқичма-босқич иш олиб боришимизга ҳалақит беради.

Ўтган йилнинг ўзида афғонистонлик курсантларнинг Тошкентдаги оммавий тартибсизликлари, вилоят, ёшлари, жумладан, талабаларнинг ўзаро тўқнашувлари, Янгийўл, Чиноз ва Бўка ноҳияларидаги тартибсизликлар ана шулар жумласидандир. Бундай тартибсизликларни бостиришда милиция ходимлари — офицер ва аскарларнинг ўзлари ҳам жиддий тан ҳароҳатлари олишди, қурбон бўлганлар ҳам йўқ эмас.

Ҳозир вилоят ички ишлар органларида бир ярим мингга яқин ВЛКСМ аъзолари хизмат қилишаяпти. Тўғри, уларнинг ҳаммасини чин комсомоллар, ҳақиқий посбонлар дейиш ноўриндир. Шунинг учун биз ички ишлар органларига тасодифан кириб қолганларни аниқлаб, тартиб посбонлиги хизматини бундайлардан тозалаш ҳамда иқтидорли, ҳар жиҳатдан баркамол ёшларни хизматга олишда анча ишлар қилаяпмиз. Масалан, ички ишлар органларига кадр олишда конкурс усулини қўллаяпмиз. Конкурс — бу ҳақиқий синов дегани. Ҳам маънавий-сиёсий, ҳам жисмоний етук шахсларгина ҳақиқий посбон бўлишлари мумкин.

Мана шу ишларни янада яхши йўлга қўйиш, ёш ходимлар билан ишлашда самарали натижаларга эришиш мақсадида биз вилоят ички ишлар бошқармаси комсомол ташкилотини тузишга ҳаракат қилаяпмиз. Фақат бу ташкилотнинг ўз Устави ва ҳаракат дастури бўлиши керак. Аммо кўплар бунга эътироз билдиришаяпти. Чўчишаяпти, чоғи. Менимча, курашга чорлайдиган, бемалол рақобатлаша оладиган бундай ташкилотлар тузишдан қўрқмаслик керак. Аксинча, вилоят комсомол ташкилоти бу борада бизни қўллаб-қувватлаши, айрим масалаларда ёрдам бериши керак, деб ўйлайман. Бу умумий мақсадлар учун биргаликда ҳаракат қилиш учун катта йўл очиб бериши турган гап. Яна бу ёшлар жиноятчилиги бўйича кўплаб ечилмаётган муаммоларга барҳам бериши мумкин. «Қаловини топсанг, қор ёнади», дейишади. Тўғри. Аслида ечимсиз муаммо ҳам йўқ.

Ҳайдар АКБАР суҳбатлашди.

Кейинчалик бу ҳисса тезлик билан камайиб борган ва Сталин даврининг охирлари, 1950 йилга келиб 33,4 фоизни ташкил этган. Бошқача қилиб айтганда инсон иш вақтининг учдан бир қисмигагина ўзи учун ишлаган. Худди ўша пайтда умумий ишлаб чиқаришда истеъмол буюмлари ҳиссаси ҳам камайиб борган. Икки жараён ўзаро тенг борганлиги учун пул системасининг барқарорлиги таъминланган.

Олтмиш йил давомида вазият бир хил бўлмаган, албатта. Уруш йилларидаги пул муомаласининг барбод бўлишидан (бу ўз-ўзидан тушунарлидир) тортиб то молиянинг анчайин соғломлашишигача (бу маънода 50-йиллар энг яхши йиллар бўлганди) бўлган тушиб чиқишлар юз берди. Аммо тараққиётдаги умумий йўналиш бозор даражалиги урушдан ҳозирги кунгача сақланиб қолди. Шундай қилиб тарихий тажриба гувоҳлик беради: ҳа, буйруқбозлик системаси молияни барқарор қилиб туради, пул ва маҳсулот миқдорларига катта тафовутнинг олдини олиши мумкин, бироқ буларнинг ҳаммаси турмуш даражасини тўраларча қашшоқлантиришни турғунлаштириш ҳисобига. Бундай ҳукмронлик шароитида иқтисодиётнинг ўта самарасизлиги бўлиши ҳам давлатнинг ҳавойи мақсадларига етишишига, жаҳонда етакчи бўлишига бўлган интилишига ҳам тўсқинлик қилолмайди, чунки телбаларча хўжалик юритишда йўқотилган нарсаларни ўрни меҳнаткашларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотлардаги ҳиссасини камайтириш (шу пайтгача ана шундай бўлиб келганди) ҳисобига қопланарди.

Бизга: тўғри, ҳозирча аҳолининг пул даромадлари озроқ, аммо ҳаёт кечириш учун зарур бўлган маҳсулотлар нархи ҳам давлат берган қарз ҳисобига паст даражада ушлаб турилибди, ривожланган мамлакатлар хазинасидан эса бунинг учун деярли бир тийин ҳам ажратилмайди, шунинг учун озиқ-овқат уларда қиммат, бизда эса арзон деб уқдиришади. Бироқ қиммат ва арзон деган нимани билдиради ўзи? Нимага қиёсланади? Сиёсий иқтисод маъносида бўлса мақол оз дедик нима-ю, нарх баланд дедик нима? Арзончилик ёки қимматчиликни аниқлашнинг ҳалол йўли бу у ёки бу маҳсулотни харид (албатта, сотувда бўлса агар) қилиш учун қанча ишлаганингни ҳисоблашдир. Масалага худди шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, бизнинг хизматчимиз америкаликка нисбатан гўштга — 10-12, паррандага гўшти учун — 18-20, ёғ учун — 7, тухум учун — 10-15, нон учун — 2-8 баробар кўп ҳақ тўлайди. Ҳатто бир хилдаги уй-жой нархи ҳам бизда анча қиммат.

Бизда шундай бўлмагур ишонч бор: ҳа, инсон иш вақтининг учдан бир қисмида ўзи учун ишлайди, лекин ундан тортиб олинганининг катта қисми меҳнаткашларга ижтимоий истеъмол фондлари орқали қайтарилади, деган. Бу фондлар бизда ҳақиқатан ҳам катта — таълим олиш, соғлиқни сақлаш бепул эканлигини, қарилик нафақаси ва бошқа имтиёзларни эсга олинг. Бироқ яқинда иқтисодчи А. Зайченко ўз ҳисобларини эълон қилди: АҚШ ва Ғарбий Европадаги аксарият мамлакатларда миллий даромаднинг каттагина қисми, бизникидан анча кўп, ижтимоий истеъмол фондларига тушар экан. Эътибор беринг, қисми! Нақд суммани солиштириб ҳам бўлмайди. Мисол учун Америка аҳолиси кам бўлишига қарамай 1985 йилда маориф учун 178,6 миллиард доллар ажратган, биз эса — 37,9 миллиард сўм, соғлиқни сақлаш учун мос равишда 174,8 ва 20, ижтимоий таъминот ва суғурта учун 458,3 ва 61,1 миллиарддан сарфланган.

Буйруқбозлик иқисодиёти ана шундай. Молияни соғломлаштириш учун бизни ушбу системага қайтишга чақираётганлар паришонликни меҳнаткашлар ҳисобидан барҳам бермоқчилар, зеро, режали иқтисодиёт шу кунгача бошқача йўлни билмаган, ҳозир ҳам билмайди, бундан буён ҳам билмайди. Ҳатто ҳозирги қийинчиликларимизнинг асосий сабаби ундан воз кечганимизда деб ўйласак ҳам, барибир орқага қайтишдан умид йўқ. Афтидан биз эски системадан воз кечишда нимададир янглишдик, қаердадир катта хатога йўл қўйдик. Сўзсиз бу хатони топишимиз керак, уни тузатганимиздан сўнг эса орқага эмас, олға қараб борамиз. Бироқ бу ўринда мен қайта қуришнинг бошига қайтишим лозим.

1985 йилнинг апрелида мамлакат раҳбарлигига янги одамлар келишди. Улар иқтисодиётдаги оғир ҳолатни биладиган ва ўз ўтмишдошларидан фарқли ўлароқ аҳволнинг қандай эканлиги тўғрисида очиғини айтиб қўя қолишди. Уларнинг мардлигини тан олиш керак. Бироқ ижобий ҳаракатнома масаласи, нима қилмоқ керак, деган мангу саволга жавоб топиш масаласи мураккаброқ эди. Дастлабки пайтда қайта қуриш ҳеч қандай янги ғояни илгари сурмади. Унинг бошланишини мен технологик хаёлпарастлик даври деб атаган бўлардим.

Фикр жуда содда эди. Биз асосий нарсада — илмий-техник тараққиётда орқада қолганмиз. Ваҳоланки, бу соҳада устма-уст инқилоб бўлиб турибди. Ривожланган мамлакатларда асосий ишлаб чиқариш фондларидаги фаол қисмини техниканинг бутун қувватини «сўриб» олишгач уни ҳар етти — ўн йилда бир марта янгилашади, эскисини қайта эритишга жўнатиб, ўрнига жиҳозларнинг янги авлодини ўрнатишади. Бизда эса бу иш ҳар йигирма — йигирма беш йилда бир марта амалга оширилади. Шуниси ёмонки, янги техникамиз эскисидан ҳам фарқ қилмайди. Бундай жиҳозда замонавий маҳсулот олиб бўлмайди. Демак асосий масала — халқ хўжалигини қайта қуроллантириш.

Аммо ҳаётнинг қабиҳлиги шунда эдики, ғоят қисқа муддатда, бор-йўғи беш йил ичида ҳамма тармоқни қайта қуроллантириб бўлмасди. Саноатнинг меҳнат қуролини берувчи шахобчаси, яъни машинасозлик ғоят хароб ҳолда эди. Шунинг учун ҳам бутун бир беш йилликни машинасозликни қайта қуроллантиришга ва жадал ривожлантиришга бағишлашга қарор қилинди. Кейинчалик янгиланган ва мустаҳкамланган бу тармоқ бутун халқ хўжалигини етарли миқдорда замонавий техника билан таъминлаши керак эди. Қисқаси, — деди М. С. Горбачев 1985 йилнинг июнида, — шўро машинасозлигини кўтариш вазифаси — бу тараққиётимизнинг бош йўналиши ва бизда ҳозир ҳам, келгусида ҳам шу йўлдан қатъий боришимиз лозим.

Мўлжалланган ишлар ҳаддан зиёд кўламли эди. Ватанимиз машинасозлиги тараққиётнинг бутун бир даврини қисқа муддатда сиғдириш керак эди. Бироқ гап фақат сонда эмасди — тармоқ ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг 90 фоизи 1990 йилга келиб жаҳон талаби даражасида бўлиши белгиланганди. Янги ўзлаштирилаётган техниканинг унумдорлиги ва чидамлилиги ўша пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотникидан 1,5-2 баробар устун бўлиши зарур эди. Бундай ривожланиш даражаси шу пайтгача дунёдаги ҳеч бир мамлакатга учрамаганди.

Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. КПСС МКнинг 1986 йил июн Пленумида М. С. Горбачев қилинадиган ишларни қуйидагича белгилади. Кейинги вақтда биз иқтисодни ривожлантиришнинг туб масалалари юзасидан йирик тадбирлар қабул қилдик. Металлургияни тубдан реконструкция қилиш, халқ хўжалигини янада кимёвийлаштириш тўғрисидаги қарорлар назарда тутилмоқда...

4

Н. И. Рижковнинг XXVII съезддаги маърузасида шундай дейилган: «...ёнилғи-энергетика комплексига алоҳида эътибор берилади». У ёқда яна аграр шўъба, ўрмон саноати, транспорт бор — ҳаммаси муҳим, кечиктириб бўлмас.

Мазкур ҳаракатнома учун улкан миқдордаги пул зарур эди. Уни қаердан олиш лозим? — ўйларди М. С. Горбачев 1985 йилнинг июнида ўтган кенгашда. — Принципиал жавоб шундай бўлади: илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши керак... Улар айнан меҳнат унумдорлигини ошириш учун ўтказиляпти, демак миллий даромадни ҳам оширади. Бироқ бунинг учун маълум вақт керак, маблағ эса ҳозир зарур. Бу ўринда ресурслардан оқилона фойдаланмай, уларни асосий йўналишда жамламай илож йўқ. Машинасозликка капитал маблағни деярли икки ҳисса кўп ажратишга қарор қилишди, уларнинг бутун халқ хўжалигидаги умумий миқдори триллион сўм қилиб белгиланди. Бу рақамни қоплаш учун охирги чора — истеъмолни камайтирган ҳолда фойдаланилган миллий даромаддаги шундоқ ҳам беқувват бўлган жамғариш ҳиссасини кўпайтиришга тўғри келди.

Жуда оғир қарор, аммо бу биз учун янгилик эмас. Умуман олганда услуби ҳам анъанавий эди. Хизматим юзасидан ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан бери хўжалик режаларимиз қандай туғилишини кузатаман ва уларни оддий бир газетчи сифатида муҳокама қилишда қатнашаман. Ҳар сафар навбатдаги беш йиллик тайёрланаётганда бир хил воқеа такрорланади. Обрўли режа тузарларимиз хўжаликнинг асосий йўналишларида орқада қолаётганимизни қайд қилишади-да бир қарашда тўғри хулоса чиқаришади: бунақада биз учинчи даражали, худди ракетаси бўлган Юқори Вольта сингари давлатга айланиб қоламиз; келинг озгина зўр берайлик, камарни қаттиқроқ тортайлик, устун тармоқлар бўйича илғор мамлакатларга тенглашайлик — қисқаси ёкимсиз даврдан ўтиб олайлик, кейин зим эмиш — у бизни гадойликдан зодогонликка олиб чиқармиш. Бошқача қилиб айтганда янги раҳбарлик ҳам эскиларнинг энг, яхши анъаналарига амал қилиб халқ хўжалигини турғунлик ботқоғидан олиб чиқадиган устун тармоқни ажратиб олди.

Албатта, биз иқтисодчилар қабул қилинган ҳаракатноманинг кўламини ва нақадар мураккаблигини ўша заҳоти тушундик. Фараз қилинг, камарни қаттиқроқ тортдик ва шу йўл билан режада белгиланганидек беш йиллик учун триллион сўмни йиғдик дейлик. Ақл бовар қилмас маблағ, бироқ у лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш учун етармикин? Ҳа, у расман ўтган беш йилликда сарфланганидан 19 фоиз кўп. Аммо турли даврда ўтказган ҳисоб китоблар шуни кўрсатдики, қурилиш таннархи йилига 5 фоиздан кўпроққа ёки беш йилда тахминан 30 фоизга ошади. Демак, юқорида тилга олинган триллион сўм ўзининг харид қувватига кўра олдинги беш йилликда сарфланган маблағдан ўтиб кетолмайди, режалар эса олдингиларга қараганда жуда катта. Шунинг учун ҳам кўпгина лойиҳаларни маблағ билан таъминлай олмаймиз (шуни ҳам унутмайликки бирон бир объектга маблағ ажратилаётганда пулни эмас, балки фақат рамзий маънода сўм билан белгиланадиган меҳнат, материал ва жиҳозлар ресурслари тақсимланади). Мен ва таниқли иқтисодчи Г. Ханин беш йиллик лойиҳасини муҳокама қилаётганда газета орқали: чорак аср муқаддам бир миллионга қурилган нарсани ҳозир бунёд этиш учун уч миллион талаб қилинишини, бу эса режада ҳисобга олинмаган, деб огоҳлантирмоқчи бўлгандик. Таассуфки, ўша пайтда бизнинг гапимизни эшитадиган одам топилмади. Шундай қилиб, бўлажак молиявий бошбошдоқлик режанинг ўзига киритилган.

Янги раҳбарлик илгари сурган ижобий ҳаракатнома яна бир томони билан анъанавий эди. Ўз-ўзидан савол туғилади: ғоят қийин лойиҳани амалга оширишга хизматчини қандай куч мажбур этади? Оддий бўлмаган бу саволга М. С. Горбачев 1985 йилнинг июнида шундай жавоб берганди: ...бугунги кунда асосий вазифа — бутун чоралар билан қуйидан юқоригача барча кадрларнинг онги ва кайфиятини қайта шакллантириш, уларнинг диққатини энг муҳим бўлган илмий-техник жадаллаштиришга қаратиш. Талабчанлик, яна бир бор талабчанлик — юзага келган вазият биз, коммунистлардан талаб қилаётган асосий нарса мана шудир... Хўш, бунинг нимаси янгилик? Бизлар эси пастмиз, ўзимиз учун нима фойдали-ю, нима зарарли албатта билмаймиз. Бизга паловимиз сергўшт бўлса бўлди, мамлакат манфаатлари эса бутунлай бошқа нарсаларни талаб этади. Буни бошлиқлар биз учун ҳам ҳал этиб қўя қолишибди. Улар қаттиқроқ

Василий СЕЛЮНИН

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОРА ТУЙНУКЛАРИ

келгуси беш йилликларда эса турмуш даражасини кўтариш учун ажойиб имкониятга эга бўламиз. Шу пайтгача шундай бўлди. Фақат қайси соҳага устунлик бериш ўзгариб турган. Дастлаб асосийси металл ишлаб чиқариш ва ёнилғи қазиб олишда дунёда ҳаммадан ўзиб кетиш деб ҳисобланганди. Ўзиб кетдик ҳам — иқтисод эса ҳамон қолоқ. Кейин Н. С. Хрушчев: сизлар ҳаммага пўлат иштон кийгаздинглар, ваҳоланки ҳозир дунёда ҳеч ким ривожланганликни металл билан ўлчамайди — кимё билан ўлчайди, деб режа тузарларни койиди. Демак, ҳаммаёқни кимёлаштирамиз. Энди эса машинасозлик устунликка эга бўлиши ло-

5

талаб қилишса, қаттиқроқ сўрашса бўлди — биз ҳаммасини қандай керак бўлса шундай бажарамиз.

Агарда бир сабаб бўлмаганида, яъни мамлакатдаги сиёсий вазият ўзгармаганида бу қизиқарли ҳаракатнома тарихга қолоқликдан бир зарб билан чиқиб олишга бўлган навбатдаги бир уриниш сифатида кирарди. Ошкоралик шароити таклиф қилинган лойиҳани муҳокама қилиш ва унга тенгдош бўлган муқобил вариантни олға суриш имконини берди. Унинг мазмуни қуйидагича. Инсон кўплаб янги машиналар яратиш учун туғилмайди. Агарда қайта қуриш хизматчига унинг фаровон турмуш кечириши учун етарли шароит яратмаган бўлса унинг ҳеч кимга кераги йўқ. Айни пайтда шуни ҳам айтиш лозимки ватанимиз иқтисоди инсон учун ишламайди, у фақат ўзи учун хизмат қилади, холос. Буни саноатдаги қуйидаги рақамлардан ҳам билса бўлади. 1928 йилда бутун саноат маҳсулотининг 60,5 фоизини истеъмол буюмлари, қолган 39,5 фоизини эса ишлаб чиқариш воситалари, яъни «еб бўлмайдиган» нарсалар ташкил этарди. Бу кўрсаткич жаҳон «ўлчови» бўйича меъёрида, ҳатто классик дейиш мумкин. 1940 йилга келиб эса мазкур рақамлар ўрин алмашишди: яъни саноат маҳсулотларининг 39 фоизи истеъмол буюмлари, 61 фоизи эса ишлаб чиқариш воситалари эди. Бундай кескин ўзгаришни ўша пайтдаги аҳвол билан қисман бўлсада оқлаш мумкин: мамлакат уруш арафасида турарди. Аммо кейинчалик ҳам истеъмол шўъбасининг ҳиссаси тобора қисқариб бораверди. 1985 йилга келиб истеъмол маҳсулотлари ҳажми бутун саноат маҳсулотининг чорак қисмидан камроғини, «еб бўлмайдиган» нарсалар эса тўртдан уч қисмидан кўпроғини ташкил этди.

Бундай шароитда жадал ривожлантириш шиори ўз мазмунини йўқотарди. Ҳа, турғунлик йилларида миллий даромаднинг ўсиши ҳатто расмий маълумотларга кўра ҳам 2-3 фоизга тушиб қолди. Бу кўрсаткичи 5-6 фоизга, ҳатто ундан ҳам кўпроққа кўтаришмоқчи бўлишди. Бироқ бу рақамлар нима билан тўлдирилади? Яна металл, танклар, ракеталар, тракторлар, станоклар биланми? Бу ажабтовур нарсалар бизда шундоқ ҳам керагидан ортиқча. Биз билан сиз эса бундай жадаллаштиришдан бирор нима ютишимиз мушкул. Улуғвор режалар ҳам ҳавода муаллақ қолди. Беш йилликни амалга оширишнинг асосий воситаси сифатида «талабчанлик ва яна бир бор талабчанлик» деган шиорни фақат анъанавий фикр юритиш туфайлигина эълон қилишгани ҳам бежиз эмасда ахир. Бошқа йўл йўқ эди: иқтисоднинг ўз-ўзини ейдиган шакли таркиб топган бир шароитда моддий ёки пул билан рағбатлантиришни йўлга қўйиб бўлмасди. Шундай экан яна нима билан рағбатлантиришни истайсиз? Ундан ҳам ёмони машинасозликка устунлик берилган режалар аввалданоқ истеъмол шўъбаси, демакки хизматчиларни рағбатлантириш имконини қисқартиришни белгилаб қўйганди. Бу эса ўз ўзидан режатузарларнинг истагидан қатъи назар қўғирчоқ одамларга янада қаттиқроқ маъмурий тазйиқ ўтказишни талаб этарди, янги ҳокимият бундан ўзга таъсир ўтказиш воситасига эга эмасди. Яна бир бор шижоат кўрсатишга чақиришга келсак, шуни айтиш кераккки бу «ёнилғи» деярли тугаб бўлганди.

Шу тариқа расмий ҳаракатнома билан рақобат қилувчи янги вариант пайдо бўлди. Ҳар иккисининг асосий бандлари бир бирига қарама-қарши эди. Янгисида машинасозликка эмас, балки истеъмол шўъбасига устунлик бериш, яъни иқтисодиётни ўз-ўзига хизмат қилишдан инсонга, унинг эҳтиёжларига хизмат қилдиришга бўйсундириш кўзда тутилганди. Ушбу мақсадга хўжалик таркибини истеъмол маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқаришни мўлжаллаб қайта қуриш орқалигина етишиш мумкин. Бунинг учун эса вақт керак. Таркибни қайта қуриш даврида тараққиёт даражаси паст, ҳатто минус бўлиши ҳам мумкин. Ҳай майли, ўсиш даражаси, фоизи бир гап бўлар, ахир бахт уларда эмаску.

Бу сафар бизни тўлиқ бўлмасада эшитишди: беш йиллик давомида истеъмол шўъбасини ҳам машинасозлик билан бир қаторда тенг деб тан олишди. Ақли расо одам чуқур инқирозни бошидан кечираётган, айниқса, инвестиция соҳасида, иқтисодда бир йўла икки йўналишни асосий деб белгилаш оғирлик қилишини тушунади. Бироқ хомхаёл тинчлик бермасди: ҳаммаси жуда силлиқ, «ёпишиб» келаётганди. Яъни машинасозлик замонавий техника берса ҳар бир хизматчи унинг ёрдамида кўпроқ маҳсулот тайёрлайди. Бундан ташқари энди унда катта маошни маҳсулотга айлантириш учун ҳам қизиқиш уйғонади, негаки истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ҳам кенг йўл белгиланди-да.

Бир қарашда воқеалар худди шу тахлитда ривожлангандек. Агар 1986-1987 йилларни қўшиб ҳисоблаганда миллий даромад 21 миллиард сўмга ошган бўлса, 1988 йилда бу кўрсаткич 25 миллиардни ташкил этди. Шунинг учун ҳам пул машинасозликни ривожлантиришга ҳам, истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳам, бошқа эҳтиёжлар учун ҳам етарлидай эди. 1988 йилда мамлакатнинг умумий даромади 4,4 фоизга ўсганди. Демак, жадаллаштириш концепцияси у қадар хаёлий эмас эканда? Демак катта сакрашлар Хитойда ва яна қаерлардадир хўжаликни вайрон қилади, бизда эса аксинча эканда? Балки режали система ниҳоят ўз қудратини намоён қилгандир? Ахир рақамлар...

Келинг, таҳлил этишнинг янги усулидан фойдаланиб уларни текшириб кўрайлик. Иқтисодчи Г. Ханин билан бирга яқинда ушбу усулни қўллаб иқтисодий тараққиётнинг узоқ даврини таҳлил этдик. Ҳисоб-китоблардан шу нарса аён бўлдики миллий даромад 1928 йилдан токи 1985 йилгача расмий статистика таъкидлаганидек 86 баробар эмас, бор йўғи 7 баробар ўсган холос. Биз ўз ҳисобларимизни эълон қилганимизда Давлат статистика қўмитаси ходимлари ва раиси шахсан М. Королев уларни рад этиб, ўзлариникини маъқуллашди. Гарчи ҳисоблаш услуби илмий нашрларда босилган бўлсада улар имкон бўлди дегунча бизни сир сақлашда айбламоқчи бўладилар. Шу ўринда улардан бирини келтирмоқчиман. Ким ҳақ-у, ким ноҳақлиги тўғрисида, муштарийимизнинг ўзи хулоса чиқарсин ва бугунги иқтисодиётимиздаги вазиятга баҳо берсин.

Статистикада катталиклар ва бирликлар ўртасида доимий боғлиқлик бор. Тўғри рақам орқали шубҳаланилаётган иккинчи бир рақамни аниқлаб олиш мумкин. Мисол учун 1928 йили бизда 5 миллиард киловатт-соат электрэнергияси ишлаб чиқарилган бўлса, 1985 йилда бу кўрсаткичдан 308 марта кўп. Электр энергиясини ҳисоблаш яхши йўлга қўйилган, шунинг учун ҳам бу ерда хато бўлиши мумкин эмас. Худди ана шу йиллар ичида миллий даромад статистикага кўра 86 баробар ўсган.

(Давоми. Боши ўтган сонда).

(Давоми бор.)

6

Хорижидан хабарлар

Телетайп лентасидан

ҚОҲИРА. Миср хавфсизлиги органлари ўзини «Танзим ал-жиҳод» («Муқаддас уруш ташкилоти») деб атовчи экстремистик гуруҳнинг 11 нафар раҳбарини қамоққа олди.

Миср Араб Республикаси ички ишлар министри Муҳаммад Абдул Ҳалим Мусанинг МЕНА агентлиги мухбирига хабар қилишича, мазкур гуруҳ Қоҳира жанубидаги Эл Минья вилоятида аҳолини диний негиздаги тўқнашувларга ундаш билан шуғулланган. Ўтган ҳафтада шу вилоят қишлоқларида мусулмон мутаассибларидан иборат оломон христианлар ўртасида бир неча бор ур-йиқит қилинган. Гуруҳ бошлиғи қўлга олинаётганда ҳалок бўлди.

Гуруҳ аъзоларидан саккиз мингдан зиёд варақалар топилди. Уларда ҳукмрон режимга қарши исён кўтаришга ва ғайридинларни ўлдиришга даъватлар битилган эди.

ТУНИС. Бу ерда Араб давлатлари уюшмаси кенгашининг Ташқи ишлар министрлари даражасидаги сессиясида қабул қилинган баёнот тарқатилди. Ҳужжатда яҳудийларнинг Совет Иттифоқидан келиши ва уларнинг босиб олинган Араб территорияларида жойлаштирилиши «Фаластин халқи ва бутун араб миллати ҳуқуқларига катта хавф» солиши айтилган. Кенгаш яқин вақт ичида шу муаммо билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун Арабистон раҳбарлари кенгаши чақирилишини талаб қилди. Араб мамлакатларининг шу масала хусусидаги позициясини тушунтириб бериш учун яҳудий миллатига мансуб шахслар келаётган давлатлар ҳамда муҳожирлар ўз йўлида территориясини босиб ўтадиган мамлакатлар билан алоқаларни фаоллаштиришга ҳам қарор қилинди.

Араб давлатлари уюшмаси кенгаши Исроил босиб олган Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидаги ва Ғазо секторидаги фаластинликлар қўзғолонига ўз бирдамлигини тасдиқлаб, шу қўзғолон иштирокчиларига ёрдам беришни давом эттириш зарурлигини таъкидлади.

ДЕҲЛИ. 14 февраль куни Ҳиндистон авиакомпаниясига қарашли А-320 самолёти Бангалор аэропортига қўнаётганида ҳалокатга учраган эди. Бунга двигателнинг ишламай қолгани сабаб бўлган. Авария тафсилотларини ўрганиб чиққан маҳаллий ва чет эллик экспертлар шундай хулосага келишди. Авария оқибатида 93 йўловчи ва экипаж аъзолари ҳалок бўлди, 53 киши жароҳатланди. Самолётнинг шундай ҳолатларга мўлжалланган махсус қурилмасидаги ёзувлардан маълум бўлишича, самолёт двигатели борт компьютери буйруқларига ва учувчиларнинг унинг қувватини оширишга уринишларига бўйсунмаган. Натижада А-320 учиш-қўниш майдончасигача етиб боролмаган.

«Стейсмен» газетаси Граждан авиацияси министрлигининг манбаларига асосланиб ёзишича, Ҳиндистон ўзидаги 14 та А-320 аэробусидан фойдаланишдан воз кечиши мумкин. Бу самолётларни Европа консорциуми ишлаб чиқарган.

* * *

Ҳиндистон Шри-Ланкага қарши қўпорувчилик фаолиятини олиб боришда ўз территориясидан фойдаланишга йўл қўймайди. Бу ерда бўлиб ўтган брифингда Ҳиндистон Ташқи ишлар министрлигининг расмий вакили шуни маълум қилди. Бу огоҳлантириш, деб уқтирди у, Шри-Ланкада ҳаракат қилаётган барча жангариларнинг гуруҳларига дахлдордир.

Шри-Ланка ҳукумати билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан кейин, деб хабар қилди Ташқи ишлар министрлигининг вакили, тамиллик 1600 қочоқ Ҳиндистонга олиб келинди. Улар орасида кўплаб аёллар ва болалар бор. Улар Шри-Ланканинг айрим районларидан Ҳиндистон тинчликни сақлаб туриш кучлари олиб чиқиб кетилганидан кейин ўз ҳаётлари учун ташвиш чекмоқдалар. Қочоқлар орасида, деб давом этди Ташқи ишлар министрлигининг вакили, «Илам халқини озод қилиш инқилобий фронти»нинг Ҳиндистонга келиш олдидан қуролсизлантирилган аъзолари ҳам бор.

(ТАСС).



ЛИВАН. Узоқ давом этиб келаётган ва қонли фуқаро уруши бу мамлакатнинг тинкасини қуритди. Аҳоли ўртасидаги қурбонларнинг ўрнини тўлдириб бўлмайди. Минг-минглаб кишилар урушда ҳалок бўлди. Улар орасида болалар ҳам оз эмас. Ёш болалар бу фожианинг фақат гувоҳлари бўлиб қолмай, балки уларнинг кўпчилиги жанговар ҳаракатлар бораётган жойларда қолмоқдалар ва ҳалок бўлмоқдалар.

Суратда: Ливандаги доимий оғир вазият ва қўрқувдан ноилож ҳамда умидсиз ҳолга тушган турмуш мана шундай.

ТАСС сурат хроникаси.

Совет делегацияси бошлиғи қабул қилинди

САНТЬЯГО, 14 март. (ТАСС). Чили Республикасининг Президенти Патрисио Эйлвин «Ла-Монеда» саройида СССР Олий Совети Раисининг маслаҳатчиси В. В. Загладинни қабул қилди. В. В. Загладин ҳокимиятни граждан ҳукуматига топшириш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиш учун бу ерга келган Совет делегациясига бошчилик қилмоқда. Самимий, дўстона суҳбат бўлиб ўтди, суҳбатда иккала томон Совет — Чили муносабатларига, иккала мамлакатдаги демократик ўзгаришлар руҳига, жаҳон тараққиётидаги ижобий тенденцияларга жавоб берадиган янгича сифат бахш этишга интилиши таъкидланди. Совет делегациясининг бошлиғи Чили Президентига М. С. Горбачевнинг шахсий мактубини топширди.

В. В. Загладин Чили ташқи ишлар министри Энрике Сильва Симма билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларнинг аниқ муаммолари ва истиқболлари тўғрисида гапириб ўтилди.

Ранг-баранг олам

САККИЗ СОАТДА КИТОБ ЧОП ЭТИЛДИ

● ФРАНЦИЯДА жуда қисқа вақтда — атиги саккиз соатда шеърлар тўплами нашр этилди. Муаллиф эрталаб соат 9 да қўлёзмани нашриётга олиб келган бўлса, кеч соат 17 да китобни дўстларига тақдим этди. Компьютер 40 минутда қўлёзмани ўқиб, грамматик хатоларни тўғрилади. Шундан кейин босмахонада лазер қурилма ёрдамида ҳарфлар терилиб, бир нусхаси корректура ўқиш учун топширилганида пешин бўлганди. Яна бир соатдан кейин босма машина ишга тушиб кетди.

МИННАТДОР ҚУТИЛАР

● УЭЛЬС давлатидаги Гуэнт графлиги савдо марказларидан бирида керакмас нарсаларни ташлаш учун қутилар ўрнатилган. Унга қоғоз халта, газета ёки бошқа бирор нарсани ташлашингиз билан қутидан: «Кўчага ташламаганингиз учун раҳмат!» деган баланд овоз чиқади. Ахлат қутисига ўрнатилган мослама, қути қопқоғи очилганида миннатдорчилик сўзлари айтилишини кузатиб туради.

ҚОРОНҒУДА ҲАМ ЎҚИЛАДИГАН КИТОБ

● ҲОЗИРГИ вақтда ҳар бир ота-она ҳам кичкинтойини тезроқ ухлатиш учун алла айтмайди ёки эртак ўқиб бермайди. Шунга қарамасдан америкалик бир группа мутахассислар болаларни ухлатишнинг яна бир йўлини топишди. Калифорниядаги «Рандом хаус» нашриёти қоронғуда ҳам ўқиш мумкин бўлган эртак китобларни нашр этди. «Қоронғуда ҳам кўзга ташланувчи ўрдак» номли биринчи китобчада ўрдак ва кичик ўрдакчалар саргузаштлари ҳикоя қилинади. У шу даражада оммалашиб кетди-ки, дўкон пештахталарида унинг ўрнига юлдузлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Тунги осмон» номли иккинчи китобча пайдо бўлди. Врачларнинг тасдиқлашича, саҳифаларга ёруғлик берувчи хомашёнинг киши соғлиғига ҳеч зарари йўқ.

«ДИНОЗАВР»ГА МАРҲАМАТ!

◉ ЛОС-АНЖЕЛЕСга борувчи Невада йўлининг ҳар ўн километрида темирбетондан ишланган баҳайбат динозаврни учратиш мумкин. Лекин, у ҳайкал эмас, балки қаҳвахонадир. Бу ерда йўловчилар тамадди қилиб, салқин ичимликлардан баҳраманд бўладилар. Динозавр думида болакайлар маза қилиб сирпанчиқ учишлари мумкин.

Ранг-баранг олам

Хорижидан хабарлар

ҚЎПОРИЛГАН НИҲОЛЛАР

Мўл-кўл ноз-неъмат етиштириш қийинчилиги баъзилар кейинги йилларда рўкач қилиб кўрсатаётганидек ер-сув танқислигида ҳам эмас. Бу энг аввало атроф-муҳитнинг ўта ифлосланганлигида, сув, ҳаво, тупроқнинг аёвсиз заҳарланганлигидандир.

Жумҳуриятимизда бир бутун мураккаб экологик вазият, жоиз бўлса, деҳқончилик маданиятининг пастлиги, пахта ҳукмронлиги, ўзини киборларча тутувчи, аммо кам билим, ҳовлиқма, халқ манфаатини менсимовчи шу соҳа ишларига масъул раҳбарларнинг хатоси туфайли юз бермоқда. Бундайларга юқоридан буйруқ берилса бас, ҳар қандай ишдан ҳам қайтмайдилар. Акс ҳолда ароқхўрликка қарши кураш баҳонасида минглаб гектар боғ зумда йўқ қилиб ташланмас эди. Бунга йўл берган иш бошиларининг ақли қаерда эди? Шу билан ароқхўр, бангилар камайдими?

Ароқхўрлар буханка нонни шакар билан бижғитиб қўлбола заққум тайёрлаб ичиб юришибди. Бу табиат букриларини тўғрилайман, деб яшнаб турган серҳосил боғлар ҳам қўшиб пайҳон қилиб ташланди. Қизиқ, ароқбоб токни, олмани кўчириб ташлаб, ўрнига нима экишди экан? Токларни қўпорганда кўра унга хоҳлаган навни пайвандлаш мумкин эдику. Агар шундай қилинганда иккинчи йилдаёқ боғдан сифатли мўл ҳосил олинмасмиди? Ёки яқин-яқинларгача жумҳурият миқёсида гектарчи сабзавоткорларга қарши ташкилий равишда қаттиқ, бирёқлама кураш олиб борилди.

Тарозининг бир палласига тош, унинг иккинчи палласига шунча маҳсулот қўйилмаса, шайин тўғри бўлмайди.

Кураш борасида хўжаликларда сабзавот, мева-чевалар майдонини лоақал кўпайтириб бориш, жон куйдириш, амалий иш билан ҳаракат қилиш лозим эди. Бу бир ёқламалик тарози мувозанатини тақчиликка буриб юборди. Энди бозорда сабзавот, мева-чева нархи осмонда.

Хайриятки, ўша ишбошиларнинг энди кўпи ҳақам топди. Бундай чаласавод ҳовлиқмаларнинг зарари меҳнаткаш гарданига тушди. Энг ёмони, у мерос қолдирган иллат негадир жуда яшовчан бўлиб қолмоқда. Эсингизда бўлса 60-йилларда Вилямснинг ўт-далали алмашлаб экиш усулига қарши, шахсий хўжалик чорвасини кескин камайтириш, ихота дарахтларини кесиб ташлаш масалалари бўйича КПСС Марказий Комитети миқёсида Н. С. Хрушчев бошчилигида кескин кураш бошланди. Бирёқлама қабул қилинган бу қарор ҳозиргача ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Натижада ихота дарахтлари кесилгач, шамол эррозиясидан Волга-Дон ҳавзасида минглаб гектар қоратупроқли ерларнинг унумдорлиги пасайди ёки яроқсиз ҳолга келди. Ўзбекистонда эса ўша далғов пайтларда ғўза-беда алмашлаб экиш усулининг издан чиқарилганлиги сабабли тупроқ унумдорлигининг пасайиши 1978-80 йилларга келиб яққол кўзга ташлана бошлади.

Хрушчёв замонида алмашлаб экишга берилган бу зарба жумҳурият деҳқончилигида асоссиз эканлиги энди маълум бўлиб турибди. Ўшанда ўт-далали алмашлаб экиш деҳқончилигига қарши кураш баҳонасида мавжуд бедазорлар зудлик билан ҳайдалиб, ўрнига шошилинч ғўза экиб юборилди. Беданинг салмоғи кескин камайиб, баъзи хўжаликларда деҳқончиликдан деярли чиқариб ташланди. Бундай номаъқулчиликларни бошлаганлар энди йўқ. Лекин уларнинг ишлари ҳамон давом этиб келаяпти.

Ерни деҳқон ихтиёрига бериб қўйинг, деб партия ҳукуматимиз қилаётган мурожаатни пахтакорларимиз хурсандчилик билан кутиб олаётган бир пайтда Р. Назаров, академик И. Искандеров, профессор А. Қашқаров каби ўртоқларнинг жумҳурият матбуотида чиқишлари, ўша давр номаъқулчиликларини эслатади. Улар қанча қурбон бериб бўлса ҳам пахта хомашёсини кўпроқ етказиб беришни афзал кўрдилар. Атроф-муҳит, инсон саломатлиги, келажак авлод ҳақида ҳам ўйлаш керак эмасми? Эртасини ўйламайдиган инсондан даҳшатлиси йўқ. Ёки бу Ватанни ғарот қилиб, бошқа сайёрага кўчиб кетамизми?

Ҳозирги пайтда суғориладиган ерларнинг тупроқ унумдорлиги кескин камая бошлади. Кимёга зўр берилди. Маъдан ўғитлар, заҳарли химикатларнинг ортиқчаси ариқ, каналларга, ер ости сувларига қўшилиб бир бутун айниган, мураккаб экологик вазиятни вужудга келтирди. Тупроқнинг кўзга кўринадиган ва кўринмайдиган зарра мавжудотлари қирилиб битди, ҳисоб.

Далаларда етиштирилаётган сабзавот, мева таркибида заҳарли химикатлар энди кўпайиб бораяпти. Сабзавотларнинг баъзилари аста-секин, баъзилари эса зумда таъсир этадиган, инсон танасининг модда алмашувини бузувчи оғулар билан булғанган. Натижаси эндиликда маълум, хотинларнинг бола ташлаши, гўдакларнинг нобуд бўлиши, юрак, асаб касалликларининг кўплиги, ақлнинг заифлиги, соппа-соғ одамнинг деярли йўқлиги...

Буларнинг барчаси биз ўзимиз яшаб турган маконни — табиатни авайлаб-асрамаганлигимизнинг, унга ўтказган зуғумларимизнинг акс таъсиридир.

Тупроқ ўлик ва тирик табиатни боғловчи ҳаёт кўприги. У макон, авайласанг чексиз хазина, ризқ-рўз манбаи, у битта, уни алмаштириб бўлмайди. Бутун тирик мавжудотнинг макони ҳам, ризқ-рўзи ҳам тупроқдан бўлса, таажжубки, уни заҳарласак. Турли-туман ҳашаротлар — кўзга кўринмайдиган миллиардлаб зарра — таналардан тортиб, умуртқали ва умуртқасиз бутун мавжудот тупроқ тирик. Улар бир бирига ем бўлади, ўлади. Тупроққа айланади. Бирининг яшашига иккинчиси зарур. Ўсимликлар шу тирик таналар ёрдамида керакли озуқа моддаларни тупроқдан осон ўзлаштириб олади. Шулар туфайли тупроқнинг қуввати ошади. Мўл ҳосил унади. Табиатнинг бундай мувозанат занжирини асраш керак. Акс ҳолда инсон ҳимоясиз қолади. Бирор тирик танани ўлдирган, заҳар, шундай иккинчи хил тирик тана ҳаётига шиддатли таъсир этмаса, демак унга зарар келтирмайди, дейиш мутлақо, нотўғридир. Кузатишлардан маълумки, зараркунанда заҳарга тез мосланиб, унга, душман бўлганлари эса кўплаб қирилиб кетади. Бундан хулоса шулким, ортиқча маъдан ўғитлар ҳам, заҳарли химикатлар ҳам, тупроқни жонсарак аҳволга солиб келади, ундаги тарихан таркиб топган табиий биологик мувозанат бузилади.

Касал тупроқда ўсган сабзавот касал, уни истеъмол қилган инсон ҳам касал бўлади. Ўта заҳарли химикатларни ишлатмаслик бўйича кўплаб қарорлар, кўрсатмалар бериляптию, хўжаликларнинг омборларида эса, таъқиқланган заҳарли химикатлар ҳамон кўплаб сақланиб келинмоқда, энг ёмони ҳар хил шароитларда сақланмоқда. Бу химикатлар бирор «ишбилармон» томонидан ишлатилмайди, деб ҳеч ким кафолот беролмайди. Масалан, ДДТ — дустнинг қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлатилиши аллақачонлар қонун йўли билан таъқиқлаб қўйилган, лекин пиёз экиб, деҳқончилик қилувчи гектарчилар ҳам ҳозиргача ишлатиб келишмоқда. Ишлатганда ҳам оз эмас, кўп эмас, пиёз экилган майдон юзасига 1,5-2 см қалинликда дуст сепишади. Натижада тупроқ ҳам, ундан сизиб ўтган сув ҳам заҳар билан тўйинган бўлади. Улар ДДТ, АҚШда ишлаб чиқарилган цибек, ГФРда ишлаб чиқарилган ВАЛТОФОС каби ўта заҳарли химикатларни ҳам топиб, пиёз етиштиришда ҳашаротларга қарши ишлатмоқда.

Қизиқ, ўткинчи «деҳқонларни» ўта заҳарли оғулар билан ким таъмин этаётган экан?

Гектарчилар энг унумдор ерларни топиб, пиёз экишади. Юқори ҳосил кўтаргач, келгуси йил ўша ерга такрор экишмайди, чунки у ердан ҳосил олиб бўлмаслигини яхши билишади. Бутунлай бошқа ердан унумдор ер ахтаришади. Заҳарланган ер эгасига — хўжаликка ўлакса қилиб, ташлаб кетилади. Бунинг учун у энди жавоб бермайди. Бир йил пиёз экиб олинган катта фойда, кейинги йилларда ўша ерга экилган экинлар ҳосилининг камайиши зарарини қопламайди, яна атроф-муҳитнинг заҳарланиши ортиқча. Бу бориб турган ноҳақликдир. Бунинг устига заҳар билан ишлов берилган бундай ерлардан 5-10 йиллаб тузук ҳосил олиб бўлмайди. Олинган ҳосил ҳам заҳарланган бўлади.

Унум тупроқда, ҳосил ўсимликда бўлади. Унумсиз тупроқда юқори ҳосил берадиган экин ўстириб бўлмайди. Тупроқ эса барча ўлик ва тирик мавжудотлар билан унумдор. Шунинг учун қадимда ерга гўнг, чиринди солганлар, лекин ёқиб юбормаганлар. Чунки бу мавжудотлар тупроқда органик моддалар етарлича бўлгандагина кўплаб чиринди кислоталари, оқсиллар, витаминлар ишлаб чиқарадики, бунда ўсимлик учун зарур бўлган кимёвий озуқа элементлар учун илдизлари орқали тупроқдан қулай ўзлаштириб ололадиган шаклда етарли бўлади. Шу боисдан тупроқ ўлик ва тирик табиат орасидаги энг муҳим кўприк бўлиб, у ўлса, ёхуд бузилса унумдорлик барҳам топади. Ер унумдорлигини ошириш учун у гарчи узоқ вақтни талаб этса-да, энг қулай ва арзон йўли алмашлаб экиш усули ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда агрофизик микробиологик хоссалари бузилган, касалланган тупроқларни соғломлаштиришда беда-ғўза алмашлаб экиш нечоғли аҳамиятли эканини ҳамма билади. Лекин тупроқ унумдорлигини ошириш биргина шу усулдангина иборат эмас.

Зиғир, кунжут, нўхот, ловия, мош каби ишлатилиши ва экилиши унутилган экинларни ҳам алмашлаб экишга киритиш керак. Биргина зиғир экиладиган майдон 1953 йилда 90 минг гектарни ташкил этган бўлса, 1983 йилга келиб 814 гектар, ҳозир у ҳам йўқ даражада. Зиғир ёғининг баҳоси бозорда (агар уни топа олсангиз) килоси ўн сўм. Кунжут ёғининг баҳоси ҳам шундай. Нега? Чунки у камёб, ич касалликларига шифобахш, ўта тўйимли. Ҳар бир гектар майдондан 700 килограммгача ёғ олинади. Кунжараси чорва учун энг тўйимли озуқа. Зиғир ва кунжутдан бўшаган ерлар қорашудгордек хусусиятга эга. Лалмикор деҳқончиликда кунжут ва зиғирдан бўшаган ерларга экилган буғдой, арпанинг ҳосили икки ҳисса ошади, Бундай дон унидан пиширилган ноннинг мазаси ҳам бошқача бўлади.

Алмашлаб экишда нўхот билан мошга бирор экин бас келолмайди. Хоҳ лалми, хоҳ сувли ерларда тупроқнинг унумдорлигини тез оширади. Нўхот экилган ҳар гектар ер 50 килограммгача ўсимлик учун зарур бўлган биологик азот тўплайди.

Ҳозир бозорларда нўхотнинг килоси 4-5 сўм, мош 2,5-3 сўм эканини ҳисобга олсак ва унинг экин майдонларини кенгайтирсак, бозорларда нарх арзонлашса, аҳли жамоатга манфаат эмасми? Бу экинларнинг уруғини топиб экиш ҳам, мутасадди ўртоқларга осон бўлмаса керак. Агар дуккакли экинлар алмашлаб экишга киритилса, у гўштга бўлган талабнинг бир қисмини қоплайди.

Бу Озиқ-овқат программасига қўшилган амалий иш бўлади. Гап билан бозор арзонлашмайди, дўконлар озиқ-овқат билан лиқ тўлмайди. Бу ойлигига икки қоп ун олиб, нон-чой билан кун ўтказаётган пахтакорнинг ҳам ҳамёнига барака, қут киритади, оиласи бут бўлади.

Ербек ҚАРШИБОЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Тупроқшунослик ва агрохимия институтининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.



Табиатнинг бошланур тўйи,
Тиллақошин тақади Наврўз.
Оппоқ шоҳи тугунин очиб,
Сепларини айлайди кўз-кўз.
Бувижонлар қилар сумалак
Бу сайилда шоҳона таом.
Бахмал кўрпа тўшалган қирда,
Бойчечаклар олади ором.

Наргиза ОРИФ қизи.

Сураткаш: Аъзамжон МИРЗАЖОН.

ЎЛЖА ИЗЛАГАН МУҲОФАЗАЧИ

Ўзбекистон ССР Табиатни муҳофаза қилиш Давлат комитети раиси Т. А. АЛИМОВ диққатига!

Ҳурматли Темур Аъзамович! Гапни узоқдан бошламоқчи эмасман. Аммо ҳозирги давр шиддати: юзхотирчилик, муросасозлик каби ўтмиш иллатларига сира ҳам ўрин қолдирмайдиган ошкоралик шароити ҳар биримизнинг, энг аввало, ўз-ўзимизга ўта талабчан ва ниҳоятда қаттиққўл бўлишимизни тақозо этаётганини айтиб ўтишим керак, деб ўйлайман. Айниқса, табиат муҳофазаси, яъни ҳаёт мувозанати барқарорлигини таъминлаб туриш ваколатини зиммасига олган кишилар масъулиятини жуда чуқур ҳис қилишлари керак, албатта. Афсуски, 1989 йил якуни арафасида содир бўлган бир воқеа мени лол қолдирди.

1975 йилдан овчилар уюшмасининг аъзосиман. Бироқ, очиғини айтсам, уюшма шартномасидаги талабларни бажариб юраверибман-у, унинг имтиёзларидан бирон марта ҳам фойдаланмабман. Хуллас. бултур декабрнинг иккинчи ярмида уйимизга меҳмон бўлиб келган чотқоллик дўстимиз шу ҳақда гап очиб, овга таклиф қилиб қолди.

Хуллас, кўндим. Келишилган куни «қуролланиб» Бурчмулла ўрмон хўжалигига овга жўнадик. Дўстимизнинг уйига етиб борсам, у рухсатномаю овчилик ҳужжатларимни олиб, ов қилинадиган жойга жўнаб кетибди. Мени бошлаб боришни эса укаларига тайинлабди.

Қош қорайиб борарди. Устига-устак қор ёға бошлади. Чотқол дарёси бўйлаб юқорига пиёда юришимиз керак эди. Тоққа ўрлаган сайин қор тезлашар ва қалинлашарди. Биз индамай, бир маромда одимлар эдик.

Шу пайт қаршимизда қўш чироқ кўринди. Машина экан. Қайтмоқчи бўлдим. Йигитлар ажаблангандек бир-бирларига елка қисишди-да, менга юзланишди:

— Ов учун рухсатнома муддати уч кундан кейин тугайди, — эътироз билдирди улардан бири ранжигансимон. — Қолаверса, арслон изидан қайтмас, деган гапни эшитмагансиз шекилли, акахон?!

Шу гап таъсир қилибми, ортга қайтиш учун юк машинасига қўл кўтармадим. Сал ўтмай, қаршимизда янаям ёрқинроқ қўш чироқ порлади.

— Буниси «Нива», — деди йигитлар. — Тоғ учун яратилганда ўзиям. Ҳар қандай шароитда манзилга етказади, азамат!

Тоғдан тушиб келаётган бу машина дарҳақиқат «Нива» экан. У бизга етмасдан, тўхтади. Ўткир чироқлар кўзларимизни қамаштириб юборди. Энди қўлларимизни нурга соябон қилиб олға силжий бошладик. Шу пайт: «Тўхта!» деган таҳдидли буйруқ эшитилди.

— Сенларга айтяпман, қани бери келинглар-чи!

Машина ёнида кўзойнакли бир киши бизга тикилиб турарди, Ёнига бордик.

— Ҳужжатларингизни кўрсатинглар! — деди у янада кескин овоз билан.

Шерикларимдан бири тоғбеги гувоҳномасини чиқариб берди.

— Мен ов қуроллари ва ов учун рухсатномаларни сўраяпман?!

Рухсатномалар ўрмончилар уйида — дўстимизда эканлигини айтдик.

— Ов қоидасини билмасанглар тушунтириб қўяй, — деди кўзойнакли одам салмоқлаб. — Ов қуролларини қўлга олиб йўлга чиқдингми, ҳамма ҳужжат ўзингда бўлиши шарт!

— Ишонмасангиз, шу жойга бирга борайлик, ўз кўзингиз билан кўрасиз, алдаган бўлсак, ҳар қандай жазога тайёрмиз, — илтимос қилдим мен.

— Бир ками ортингиздан эргашиб юришим қолувди, — масхараомуз рад этди у. — Дарвоқе, менинг ҳужжатимни ҳам кўриб қўйинглар, табиатни муҳофаза қилиш жумҳурият давлат қўмитаси назоратчиси Владимир Шабельскийман.

Ўзим шундоқ ҳам обдон толиққан эдим. Устига-устак назоратчининг мазахлаб осмондан келишию овчиликдаги оддий қонун-қоидаларни билмаслигим хунобимни ошириб юборди. Шабельскийга эътироз билдиришга ҳам ўрин йўқ. У ҳақ. Фақат ўтакетган қаттиққўл экан.

— Хўш, энди нима қиламиз? — сўрадим мен.

— Ҳужжат расмийлаштириб, қуролларни олиб кетамиз, — чўрт кесди у.

— Расмийлаштиришингиз мумкин, аммо машинангизда бизни ҳам олиб кетасиз, — дедим мен ҳам қатъийлик билан. — Чунки ов қуролларимиз ҳақидаги маълумотлар рухсатнома ёзган Бурчмулла ўрмон хўжалигида, қолаверса, Бўстонлиқ ноҳияси ички ишлар бўлимида қайд этилган. Кўриб турибсиз, бирор нарса отиш уёқда турсин, милтиқларниң ғилофдан чиқарганимиз ҳам йўқ...

«Машинангизда бизни ҳам олиб кетасиз» деган талабдан сўнг негадир Шабельскийнинг фикри ўзгарди.

— Майли, бир шарт билан бу гал сизларни кечираман, — деди у ҳамон баландпарвоз оҳангда. — Рухсатномангиз йўқ бўла туриб ов қуролларини кўтариб юрганлигингиз ва бир ҳафта муддат давомида ҳужжатларни Тошкентга олиб тушиб кўрсатишингиз ҳақида тилхат ёзиб берасиз.

— Ов қуроллари-чи?

— Майли, ҳозирча ўзингизда қолаверсин.

Шабельский айтиб турди, мен ёздим. Тилхатни унга топширган ҳам эдимки қуйидан елиб келаётган машина чироқлари кўринди. Сал ўтмай, яқинимизга юк машинаси келиб тўхтади-да, кабинадан икки киши тушди.

— Ортиғали ака-ку, — деди шерикларимдан бири.

Ёши ўтинқираганига қарамай шахдам қадам ташлаётган ўрта бўй, миқти гавдали киши ҳамма билан саломлашди-да, «Нива»нинг орқадаги юкхонасини очишни шофёрдан талаб қилди. Шофёр шошиб хўжайинига юзланди. Шабельскийда аввалги ҳукмронлик ўрнини шу заҳоти қандайдир мулойимлик, муросасозлик, келишувчанлик кўриниши эгаллади.

— Нима, мени танимаяпсанми, Ортиғали? — деди у ялтоқланиб. — Майли, сен ҳам машинамизга ўтир, жа қизиқсанг, йўлда текширарсан, кеч қоляпмиз, ахир...

— Марҳамат, менинг ҳужжатларимни кўринглар, Бурчмулла ўрмон хўжалиги назоратчиси Ортиғали Тўлагановман. Сиз, муҳтарам Владимир Геннадьевич, наҳотки оддий қоидани тушунмайсиз?! — деди Ортиғали ака кесиб-кесиб. — Бизнинг участкага берухсат кирган ҳар қандай автомашинани текширишга ваколатимиз борми-йўқми?..

— Ахир мен табиат муҳофазаси Давлат қўмитаси ходимиман, планли текширувлар ўтказиб юрибмиз, — энди ўзини хафа бўлаётган қиёфага солди Шабельский.

— Яна айтаман, ким бўлишингиздан қатъи назар, ҳозироқ машинангизни кўрикдан ўтказаман!

Шабельский кула-кула орқага ўтди-да, 97—99 ТНА номерли «Нива»нинг юкхонасини очди. Ортиғали ака қўл фонари билан ёритган эди, катта қоғоз қутидаги гўшт кўзга чалинди. Ўрмон назоратчиси уларни бирма-бир қўлига олиб кўрди. Тоғ эчкисининг икки сон ва икки олдинги оёқлари экан.

— Қани ёввойи эчкини отиш учун рухсатнома, милтиғингиз ва унинг ҳужжатларини ҳам кўрсатинг-чи!

Ё тавба, ўрмон назаратчиси келмасидан сал аввал йўлбарсдек наъра тортиб турган Шабельский бир зумда мушукдек ювош тортиб қолган эди.

— Ҳозир акт тузамизда, гўштни тегишли ташкилотга топширамиз.

— Олиб бўпсан! — бирдан тўнини тескари кийди Шабельский. — Бу гўштни сендан каттароқлар ҳам мендан тортиб ололмайди!..

«Табиат ҳимоячиси»нинг эндиги кўриниши жуда важоҳатли эди. У ўнг қўли билан тўппончасини ушлаб-ушлаб қўяр, чап қўли эса кўзойнагига тез-тез бориб-келарди.

— Гувоҳлар олдида зўрлик қилиб олиб кетсангиз ўзингиз биласиз, — деди Ортиғали ака хотиржамлик билан. — Сизларки, табиатни ҳимоя қилувчилар, шундай йўл тутсангиз, бошқаларга тўзим берсин...

Шундай қилиб, бизнинг овимиз бароридан келмади. Рухсатномалар ҳам куйди. Лекин мен бундан асло хафа эмасман. Шу баҳонада «табиат жонкуярлари»нинг анча хуфёна ишларидан огоҳ бўлдим.

Эшитишимча, ўрмончилар ва овчилар фақат отиш билан эмас, ёввойи қуш ва жониворларни озиқлантириш, суқ кўз ҳамда эгри қўллардан ҳимоя қилиш билан хам шуғулланишаётганмиш. Ҳозир тоғлардаги қалин қор энди эрий бошлаяпти. Эрта баҳор шароитда ёввойи тирикжонлар инсон кўмагига муҳтождир. Улар нажот излаб, одамлар яқинига тушиб турадилар. Бояқишлар ҳақиқий ўрмончи ва овчиларга йўлиқса-ку, майли-я, Шабельский сингари бўри терисини ёпинганларга дуч келса, аҳволлари қандай кечаркин?

Асад АСИЛОВ.

ЙИГИТИН БЕЛИДА ҚУВВАТ ЙЎҚ

Сариосиёда одамлар безовта. Касал кўп. Шу кунгача аҳоли бош оғриғидан нолирди. Энди унга бел оғриғи ҳам қўшилди. Шифокорларнинг аниқлашича, киши белидаги оғриқ буйрак касалидан экан. Кексаларда буйрак оғриши мумкин. Лекин ҳали йигирмага тўлмаган йигит ва қизларда бу касалликнинг пайдо бўлишига нима дейиш мумкин?

Ноҳияда сариқ касал ҳар қачонгидан ҳам кўпайиб кетди. Шу боисдан ҳам ноҳия марказидаги каттагина касалхонага сиғмаган беморлар узоқ ва чекка қишлоқлардаги шифохоналарга ётқизилмоқда. Сариқ бўлганлар сони камайиш ўрнига акси бўлаётгани аҳолини ташвишлантиряпти.

Болалар ўлими камайгани йўқ. Ноҳия марказий туғруқхонасининг бош врачи Раъно Мелибоеванинг берган маълумотига қараганда, кейинги 4-5 йилда туғма касаллар сони 200 фоиздан ҳам ошиб кетди.

Масалан, 1984 йилда ноҳия бўйича, 7 минг бола туғилган бўлиб, шу жумладан 227 нафарида туғма касаллик аниқланган бўлса, 1988 йилда жами туғилган болалар 8 мингдан ошди ва улар орасида ногиронлари 500 дан ҳам кўпроғини ташкил этди. Ўлик туғилганлари сони эса 82 тага етди. Буларга туғруқхонадан чиқиб кетганидан кейингилари кирмайди. Ёшига етмай хазон бўлган гўдаклар, эҳ-ҳе, қанча.

Ёш оналарда кўз ёшини кўрмасам дейман. На чора... Уларнинг меҳрибон она бўлишдек, жажжи фарзандини суйиб эркалашдек бахтини ёвуз ўлим топтаганини кўрган кишининг бағри эзилади.

Бу даҳшат... Ундан ҳам даҳшатли, йигитлар белида қувват бўлмаслигида, севиб турмуш қурилган янги оиланинг бузилиб, ёш келинчакнинг кетиб қолишидадир.

Бундай хунук воқеалар, минг афсуски, ноҳияда содир бўлиб турибди. Унинг олдини олишнинг мутлақо иложи йўқ. Ахир ҳаётнинг бу лаззатига келинчак ҳам, куёв ҳам талпинади-ку! «Айбдор» йигит нима қилиши керак? Бир умр сўққа бош бўлиб ўтишга маҳкуммиу?

Ҳа, сариосиёликлар дардалам билан яшамоқда. Қўшни Мирзо Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи бутун ноҳия аҳолисининг тинчлигини бузди. Сариосиёга заводнинг баланд-баланд қувурларидан келадиган фтор гази энг аввало дарахт баргларини сарғайтирди. Ўрик ўз-ўзидан қуриб қолди. Ипак қурти айни пилла ўраш пайтида нобуд бўла бошлади. Мана, бир неча йилдирки, ноҳиянинг бир неча хўжалигида ипак қурти боқилмаяпти.

Ҳар йили 140-180 қути ипак қурти тарқатиладиган хўжаликда энг камида 60 килограммдан пилла олинганда ҳам қанча қимматбаҳо саноат хом ашёси йўққа чиқиб кетди. Свердловликлар эса пилла етиштиришга уста эдилар. Энг ёмони, ипак қурти боқишдан манфаатдорлиги катта бўлган қишлоқ одамларининг ҳаёт кечиришлари янада оғирлашди. Нега десангиз, ҳамманинг умиди фақат пахтада қолди. Пахтада ишласанг, оз бўлсада ҳақ оласан.

Ноҳиядаги экологик аҳволни таҳлил этган олимнинг йиғилиш минбаридан туриб айтган гапларини таъкидламоқчиман. «Аҳвол шу зайлда кетаверса, йигирма йилда бу ерда ҳайвон, дарахтларгина эмас, одам зоти қолмайди. Ҳаммаси қирилиб тамом бўлади». Унинг гапида жон бор. Бу йил ўлим ҳаддан зиёд ортди.

Мана, «Сариосиё ҳақиқати»да босилган сўнгги хабар:

«Ноҳия санитария-эпидемиология станциясининг лаборантлари август ойида биз нафас олаётган ҳавонинг мусаффолигини назорат қилишди. Улар 20 кун мобайнида атмосферамиздаги моддалар концентрациясида фторли водород ҳажмини аниқлаб қуйидаги хулосага келишди:

6-7 августда Сариосиё посёлкаси ҳавосида фторли водород гази миқдори йўл қўйилиши мумкин бўлган суткалик ўртача миқдордан икки баробар зиёд бўлган.

16-17 августда «Сариосиё» давлат хўжалиги ҳудудида ҳаводаги фторли газ миқдори суткалик миқдордан икки баробарга ортиқ бўлган.

18 августда «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги қишлоқларидаги ҳаво концентрациясида фторли водород гази йўл қўйилиши мумкин бўлган суткалик ўртача миқдордан 1,9 марта ошиб кетган».

Қишлоқ одамлари аввалгидек ёз ойлари ташқарида, ишком ёки дарахт остида ётиб ухлай олмайдилар. Ётиб қолдингизми, тамом, эрталаб туролмайсиз. Кўзингизни очсангиз ёмон, аччиқ ҳид келади.

Свердлов жамоа хўжалигида 3100 тадан зиёд имзо тўпланди. Меҳнаткашларнинг вакиллари экологиядаги бу тангликни бартараф этиш зарурлиги масаласида керакли идораларга боришмоқда.

Бошқа жойларга кўчиб кетаётганлар ҳам оз эмас. Хўжалик бўйича ундайлар 70 дан ошди. Уларнинг бир қисми Термиз ноҳиясидаги «Навбаҳор», иккинчи қисми Гагарин ноҳиясидаги «Пограничник» давлат хўжаликларига жойлашганини айтиш керак.

Уларнинг ҳеч бири ўз уйларини сотганлари йўқ. — Ким оларди бундай шароитда, — дейди жамоа хўжалиги ветерани, пенсионер отахон М. Нуралиев, — ҳаммалари кўчларини машинага юклаб кетавердилар.

Бунга мен ҳам гувоҳман. Шу хўжаликда қадрдон дўстим Муродилла Шомуродов яшарди. У ҳам кўчиб кетди. Чўлқуварлардан бири бўлган дўстим 8 фарзандини олиб, «Пограничник» давлат хўжалигига борди. Бу ердаги уйи дарвозасига ҳаттоки қулф осилмади, деразаларга тутилган пардалар осиғлигича қолди.

Шундай эгасиз уйлар Свердлов номидаги жамоа хўжалигида 70 дан ошади. Бу уйларга қўшнилар кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Ачинганлари аҳёндагина сув очиб қўяди. Хўжаликда сув муаммо. Келаётган сув пахтадан ортмайди.

Яқинда дўстимнинг ташландиқ ҳовлисига кириб қолдим. Ут босиб кетган ҳовли четидаги иссиқхонада ўн-ўн беш туп лимон солган шиғил меваси билан қуриб ётибди. Анорзорга қараб бўлмайди. Раҳминг келади. Кўпдан бери сув кўрмаган. Яхшиғина ҳосил берадиган хурмо дарахтларининг синганн қанча-ю, қуригани қанча. Одам яшаганида бу ҳол асло бўлмас эди. Дўстимнинг акаси Абдулазиз афсусланади.

— Уйини қаранг, кўриб қўяман. Ўзимдан ортмасам, далага тонг саҳарда кетиб кечқурун қайтаман.

— Чорва мутахассисиман, — дейди Свердлов номли жамоа хўжалигининг ферма мудири Раҳматулло Тўлаев, — алюмин заводидан чиқаётган фтор гази энг аввало ўт-ўланларга ёпишиб қолмоқда. Буни еган чорва тишдан ажрамоқда. Касалликка чалинмоқда. Сигирлар ўлик бузоқ туғаётгани ҳам шундандир.

Бир сўз билан айтганда, биз истеъмол қилаётган гўштда фтор заҳри йўқ деб ҳеч ким кафолат бермайди. Бу масала эътиборсиз қолмаслиги керак. Айрим касалликларнинг кўпайишига шу гўштлар ҳам сабаб бўлмаяптимикин?

Бу ҳам етмаганидек, завод яқинида яна рўпарамиздан, резина маҳсулоти ишлаб чиқарадиган корхона қурилиши бошланди. Ҳозир бу ерда тупроқ ишлари бажарилмоқда. Корхона битгач, бу ерда қалиш, машиналар учун шиналар ишлаб чиқарилар экан.

Экологик вазият ҳисобга олинмагани кишини ажаблантиради. Табиатга зиён етказиш, тоза ҳавони булғаш, одамларни заҳарлаш шунчалик ҳам бўладими?

Сариосиёда бир эмас, бир неча йиғилишлар бўлиб, унда Мирзо Турсунзода шаҳар партия, совет органларининг раҳбарлари, алюмин заводи директори М. Ф. Синани иштирок этган эдилар. Бироқ ҳанузгача кутилган натижага эришилгани йўқ.

Ноҳия ижроия қўмитаси бош архитектори Дониёр Қодировнинг айтишига қараганда, Синани алюмин заводи маблағи ҳисобига ноҳияда бир неча турар-жой бинолари, мактаб ва мактабгача болалар муассасалари қуриб беришга ваъда берибди. Бу бинолар кимга керак? Яна такрорлаймиз, экологик аҳвол шу зайлда кетса, йигирма йилда одам тугул, на ҳайвон, на дарахт қолмайдиган жойда уйдан, бошқа жамоат биноларидан фойда бормикан?

Гапирса гап кўп, адо бўлмайди. Қайси касалхонага кирсанг, ғуж-ғуж бемор. Бирининг қон босими ошган бўлса, иккинчисининг жигари, учинчисининг буйраги касал. Қўлидаги таёққа суяниб қолган бемор Қосим Валиев юролмай қолганини гапириб, нажот сўрайди одамлардан. У қирқ ёшдан ошган бўлиши мумкин, лекин кўринишидан нақд элликни «урган» дейсиз.

Хуллас, сариосиёликлар ёрдамга муҳтож. Кекса-ю ёш нафас оладиган тоза ҳаво бўлишини истайди. Алюмин заводи маҳсулотини ўзгартирмас экан, Сариосиё фожиаси тугамайди.

Маъмуржон БОТИРОВ,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Муаммолар ечими

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

Бугунги ошкоралик даврига келиб, барча қадриятларимиз ва маънавиятларимиз асл баҳосини топмоқда. Қайта қуриш, янгиланиш Совет Армиясини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Бу соҳада ҳам ҳақиқат сабоқлари ошкор бўлиб, турли муаммолар, ҳаётий масалалар кўндаланг бўлаяпти. Ғолиб Армиямизнинг жамики ҳаракатлари инсофли-ю, барча ғалабалари савоблими, унинг ҳозирги мавқеи қандай, Қуролли Кучларимиз ҳам қайта қурилармикин? Миллий қўшинлар қайта тикланадими ва қайси шаклда? Миллий Армия тузиш, мустақил миллий жумҳуриятларда ўз Мудофаа нозирликларини таъсис этиш вақти келмадими? Мана шулар хусусида кўпдан бери ўйлаб юрган гапларимни ошкора баён қилгим келди.

Жаҳонда «Энг катта ва энг қудратли қуролли куч»лардан бири деб ҳисобланган, «шонли ва енгилмас» Совет Армияси 72 ёшга тўлди. Унинг босиб ўтган йўли асосан таҳсинга лойиқ. Ҳозирги мавқеи эса муаммоларга тўла. Совет кишилари ўз жонажон Армиясини ниҳоятда севадилар, унинг жанговар сафларида жон-жон деб хизмат қиладилар.

Қуролли кучларимизни «ғолиб Армия» деймиз. Ҳақиқатда шундай. У кўз очиб Октябрь инқилоби ғалабасини кўрди. Инқилоб ҳимояси жангларида Псков ва Нарвада ёв устидан илк ғалабасини нишонлади. Ўша 1918 йил 23 февраль куни Қизил гвардиячи отрядлар жам бўлиб «Қизил Армия» байроғини кўтарди. Мана етмиш уч йилдирки, Совет Армияси шу байроқ остида туриб мамлакатимиз тинчлигини қўриқламоқда.

Бу борада Қуролли кучларимизнинг жанговар хизмати бениҳоя катта. Антантанинг ўн тўртта давлати Совет Россиясига бостириб кирганида Қизил Армиямиз уни даф этди. Мамлакатимиз чет эл чангалига тушмади. Ички душманлар гражданлар урушини чиқардилар. Бутун мамлакат ўт ичида қолди. Жанубда Деникин, Узоқ Шарқда Врангел, Қорақалпоқ ерларида Колчак, Донда атаманлар қўшинларини, Ўрта Осиёда эса инглиз ёлланмаларини тор-мор қилдик. Кейин Хитой — Манчжурия темир йўл ноқисида, ундан сўнг Халхинголда, Ғарбий Украина, Белоруссия ерларида, Финляндияда ғолибона жанглар олиб борди. Ниҳоят, Улуғ Ватан уруши йилларида Гитлер фашизми қўшинларини тор-мор этиб, Европани фашизм балосидан озод қилди. Ғалабаларни санайверсам, бир талай, аммо ғаним мақташилардан иборат эмас. Ана шу ғалабалар нимнинг эвазига қўлга киритилди ва қимматга қанча тушди-ю, қанча қон жон кетди?

Маълумки, инсоният ўзининг беш минг йиллик тарихида 14 мингту бир марта уруш кўрган. Аввалари урушсиз кун кечирган йиллар жуда кам бўлган. Ўша дар ичида атиги 269 минг кунгина қиронсиз ўтган. Ўн тўрт минг мартача уруш армиялар жангу-жадали бўлиб, бирортаси халқка манфаат келтирмаган. Аммо бутун-бутун давлатлар тор-мор этилиб, шаҳар, қишлоқлар ер билан яксон қилинган, бутун бошлиқ эл, элатлар қирилиб кетган. Уларнинг ҳеч бири на қурол-яроғ, на қўшин сони жиҳатидан Совет Армияси, Совет халқи олиб борган Улуғ Ватан урушига тенг келолмайди. 1418 кеча ва кундуз олиб борилган жанглар йигирма миллион норгул йигитларимиз, қанчадан-қанча ёшу кекса фуқаромиз қони-жони ҳисобига ғалаба билан якунланди.

Очиғини айтганда, шу қурбонларнинг учдан бир қисми, ўз айбимиз, лоқайдлигимиз ва нўноқлигимиздан юз берди. Аввало разведкамиз яхши иш бермади. Зоргега ўхшаган разведкачиларнинг ҳалол маълумотлари инобатга олинмади. Натижада уйқуда ётган Армиямиз чегарадан анча ичкаридаёқ бомбалар остида қолди...

Разведкамизнинг жуда бўш ишлаганлиги туфайли 1939—40 йиллари 105 кун давом этган оқ финлар билан олиб борилган кичкина урушда ҳам катта талофат бердик. Тумшуғимиз тағида барпо бўлган истеҳкомларни — Маннергейм истеҳкомлари занжирини «кўрмай» қолган эканмиз. Финляндиянинг табиати, қор остидаги пастак ўрмонлари, минг-минглаб кичик кўллар тузоғи, йўлакчаларга қўйилган мина ва фугаслари ҳарбий тактик хариталаримизга тушмаган экан.

Гражданлар уруши давридаги катта қирғинлар, беҳуда қон тўкишлар ҳам вазиятни яхши билмаслик, айниқса, миллий хусусиятларни эътиборга олмасликдан келиб чиққанди. Кўринганни душман билиб, дуч келганни отиб ташлаш ҳоллари Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистонда кўплаб содир бўлгани ҳеч кимнинг ҳисобида йўқ. У даврлар ҳам Ўзбекистон тарихи учун очилмаган қўриқ...

Афсуски, ҳалол, пок ўзбек халқига туҳмат совет адабиётида ҳам давом этди. «Босмачилар» ҳақида битилиб, чоп этилган китобларнинг номи, сони борлиқ «босмачилар»нинг нуфузидан кўра кўпроқ, десак лоф эмас. Биргина Михаил Шевердиннинг бу ҳақдаги болишдай-болишдай китоблари бир тахмонга сиғмайди. Ваҳоланки, Улуғ Ватан урушининг ғалабасига салмоқли ҳисса қўшган, фронтга бир ярим миллион аскар ва командир юборган ўзбек халқи, унинг юзлаб қаҳрамонлари, жасоратли баҳодирлари ҳақида жуда кам китоблар, саҳна ва кино асарлари чиқардик. Совет Армиясининг ҳозирги ҳаёти ҳақида эса бирорта ҳам бадиий китоб чоп этилмади.

Минг афсуски, шонли Совет Армиямиз шаънига доғ тушириладиган ишлар ҳам бўлди. Венгрия, Чехословакия, Афғонистон воқеаларини афсус билан эсга оламиз.

Афғонистон воқеасидан кейин Совет Армияси чет элда «чинилган» очиқ «босқинчи армия» деб ном олди. Маълумки, ҳеч қандай Армия ўз давлати сиёсатини белгиламайди. Аксинча, Армия сиёсатдан ташқари туради. Аммо давлат олий ҳокимиятининг амрини бажаради. Афсуски, Афғонистонга қўшин киритишда давлатимизнинг Олий ҳокимияти четлаб ўтилган. Бунинг учун Брежнев бошлиқ бир гуруҳ раҳбарларнинг буйруғи кифоя қилган. Оқибати нима бўлди? Ўн йил четда урушган Армиямиз ўн пуллик ҳам наф келтирмай, ўзга ерни ташлаб чиқишга мажбур бўлди.

Афғонистонда уруш бораётган айни бир вақтда СССР Ёзувчилари уюшмасининг бир гуруҳ вакиллари, яъни Иккинчи жаҳон урушида Польшани Гитлер чангалидан озод қилишда иштирок этган ветеран ёзувчилар Польшага борган эдик. Ветеранлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Карпов бош эди. Биз борган пайтда Польшада қўш ҳокимият давр сурарди: бири — генерал Ярузельскийнинг қонуний ҳукумати бўлса, иккинчиси — Валенса бошлиқ «Солидарность» Иттифоқи бўлиб, аслида ҳақиқий ҳокимият уларнинг қўлида эди. Польша ёзувчилари уюшмаси ҳам иккига бўлиниб, бир иморатнинг пастки қаватида «Солидарность» тарафдорлари бўлган ёзувчилар, устки қаватида эса Польша ёзувчилар Иттифоқи жойлашганди. Совет Армияси тўғрисида улар икки хил фикрда эдилар. Бирлари Армиямизни халоскор, деб ҳисобласа, иккинчиси «оккупант» деб билардӣ. Польшани озод қилишда қурбон бўлган олти юз минг баҳодирларимиз мозорларига бири гулчамбарлар қўйса, иккинчиси тош қабрлар бошидаги ҳурмат изҳори бўлмиш гулчамбарларни олиб ташлар, ҳатто безориларга қўшилиб «совет халоскорларига» ўрнатилган ёдгорликларни бузардилар. Польша Армияси қисмлари, коммунистлар дарҳол уларни қайта тиклаб, қўриқлаб турардилар. Агар Польшанинг «Войска польского» қисмлари қаттиқ турмаганда, аксилинқилоб ўша кезларда Совет Армиясига қарши уруш чиқариши турган гап эди. Польшанинг мустақиллиги ва ҳозирги чегаралари даҳлсизлиги Совет қўшинлари ҳимоясида бўлгани учун тинч эканини поляклар яхши ҳис қиладилар. Йўқса, Ғарбий Германиядаги қасосчилар уни тортиб олиш учун хавф туғдираётганини «Солидарность»чилар ҳам англаб тургандилар.

Кейинги вақтларда янги чиққан экстремистлар Германия Демократик жумҳуриятида ҳам бош кўтариб қолдилар. Берлиндаги Трептов паркида ва бошқа жойларда совет баҳодирлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликларга тез-тез ҳужумлар бўлиб турибди. Хайриятки, ҳукумат кучлари, антифашистлар жамоат безориларининг адабини бериб, халоскорлар тош қабрларини авайлаб сақламоқдалар, уларнинг азиз бошларига тоза гул дасталари қўйиб турибдилар.

Ички низоларни бостиришга ҳам Совет Армиясини ишлатишни ёқламаймиз. Чунки Совет Армиясининг ўз муқаддас бурчи бор: у Ватан посбони — жандарма эмас! Ички тартибсизликларни бартараф қилиш учун ички қўшинлар мавжуд. Умуман ички можароларни қон тўкишсиз, муросаю-мадора билан тилдан дилга, юракдан юракка йўл топиш орқали ҳал қилишимиз лозим.

Кавказдаги икки халқ — озарлар ва арманлар можароси қонли тўқнашувга бормасдан ҳал қилиш мумкин эди. Қайта қуриш ишларининг секин боришидан бўлса керак, оддий масалалар ҳам ечимини топа олмай чигаллашиб мушкул муаммога айланиб, ҳатто гражданлар уруши даражасигача етиб борди. Икки халқ ўртасида қон тўкиш ҳамон давом этиб келмоқда. Шу орада Озарбайжон ва Арманистондаги можароларни бостириш учун Россияда сафарбарлик эълон қилиниб, резервдаги аскарларни — ишчи-деҳқон, зиёлиларни қуроллантириб у ёққа юбориш ҳеч ақлга сиғмайдиган иш бўлди. Буни мен Мудофаа министримиз ўртоқ Язовнинг бевосита хатоси деб биламан. Оқибати яхши бўлмади, Ставрополь аҳолиси қаттиқ норозилик билдириб «оккупантлар» деган ном олишга қаршимиз», деб кўчаларга чиқдилар. Халқнинг талаби билан завод, фабрикалардан мажбуран олиб кетилган резервчилар дарҳол қайтариб олинди.

Армиямиздаги ҳозирги ҳарбий интизомсизлик ҳақида ҳам турли-туман гаплар эшитяпмиз: «Дедовщина» деган касофати маломат пайдо бўлган. Аскар болалар орасида тарафгузарлик, миллий гуруҳчилик туғилиб қолган. Айрим аскар болаларнинг уйига ўзи эмас, тобути келганини газеталарда ўқидим. Бундай ваҳшийлик севимли Армиямизга қаёқдан келиб қолди?

Ўйлаб қарасам, Армиямизни ниҳоятда эркалатиб юборган эканмиз. Топганимиз қурол-яроғ ва қуролли кучларга сарф қилинди. Гўшт-ёғ ўрнига ҳам, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни нари суриб қўйиб, ракеталар, ядро қуроллари-ажал аслаҳахоналари қурдик. Ғарб мутахассисларини ҳисоб-китобига қараганда, бизнинг қуролимиз рақобатчиларимизникидан бирмунча кўп экан. Буни ўртача олисликка отиладиган ракеталарни битириш рақамларидан ҳам билсак бўлади. Шартнома бўйича АҚШ битта ракета битирса биз ўнтасини битиряпмиз.

Қурол кўтарган солдатларимиз нуфузи ҳам жуда катта. Йигирма миллионга яқин, деб тахмин қилиняпти. Шубҳасиз, ортиқчаси талайгина. Мудофаамизга ярашаси қолса бас. Армиямиз сон жиҳатидангина эмас, ташкилий қурилиши жиҳатидан ҳам ўзгариши, янгиланиши керак.

Бу жабҳада қуйидагиларни кўзда тутаман: аввало чет эллардаги Қуролли кучларимиз фақат мудофаа манфаатини кўзлаб қисқартирилиши керак. Америка Қўшма Штатларининг чегараларимиз атрофидаги ҳарбий базалари мутаносиб қисқартирилиши лозим. Кейин аста-секин ҳар икки томон ҳам чет эллардаги ҳарбий базаларидан воз кечишлари лозим.

Мамлакатимиз ўрамидаги қўшинларимиз эса, батамом тинчлик штатига ўтиб, стратегик аҳамиятга молик бўлган мавзеларда, муҳим гарнизонларда жойлашган бўлиб, давлат хавфсизлигининг, халқ тинч меҳнатининг посбони бўлиб қолиши керак.

Менимча, мамлакатдаги беҳисоб қурилиш полклари ва қурилиш батальонларини энди тугатишимиз керак. Маълумки, қурилиш қўшинлари мутлақо ҳарбий қисмларга ўхшамайди, улар фуқаро қурувчилардан сира фарқ қилмай қўйдилар. Бу қисмлар қисқартирилиб, бажарадиган ишлари қўшинлар составидаги инженерлик ва сапёрлик қисмларига юклатилмоғи керак.

Қуролли кучларимизда амалга ошириладиган янгиланиш, қайта қуриш чин маънодаги совет федерациясига мосланиши муҳимдан-муҳим. Бу қандай шакл топади? Урушдан аввал миллий қўшинлар бор эди. Ўзбекистонни мисолга оладиган бўлсак, Самарқанддаги ўзбек дивизиясида Миршаропов, Собир Раҳимов сингари лашкарбошилар етишиб чиққанлигини бир эслайлик. Ўзбек дивизиясининг отлиқ қисмлари КВЖД учун бўлган жангларда бениҳоя қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган эдилар. Сўнгра Халхинголда япон самурайлари билан бўлган урушда машҳур лашкарбоши Георгий Жуков қўмондонлигида мардона курашганлар орасида Собир Раҳимов каби ўнлаб командирлар бор эди. Сталин-Берия реакцияси йилларида миллий қўшинлар тарқатилиб, миллий аскар ва командирлар ҳар томонга сочиб юборилди.

Оқибати нима бўлди? Таниқли ва талантли ўзбек командирлари ва моҳир сиёсий ходимлари қариди. Кўплари жангларда халок бўлди. Умуман, ўзбеклардан командирлар тайёрлашга ҳеч ким ғамхўрлик қилмади. «Садағанг кетай командир»ларимиз бутунлай йўқ бўлиб кетди. Улуғ Ватан уруши йилларида Фарғонада, Каттақўрғонда, Андижону, Янгийўл шаҳарларида шошма-шошарлик билан пала-партиш ўзбек дивизиялари, алоҳида бригадалари, полклари тузилиб, пешма-пеш фронтларга юборилди. Уларнинг кўплари фронтга кела солиб, орқа-олдига қарамай жангларга кириб кетдилар. Албатта уларнинг кўпчилиги қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Бироқ Москва бўсағасида, Сталинградда, Курск ёйида жангга кирган ўзбек аскарлари даҳшатли жанглар оловида ёниб, қирилиб кетди. Нега? Сабаби нима?

Негаки, колхоз даласидан чақириб келиниб, чопонини шинелга алмашган, кетмон ўрнига бешотар ушлаган деҳқонлар ҳарбий тайёрлик кўрмагани, уруш қонуниятларини билмасдан, тил билмас командирларнинг командаларини яхши тушунмагани учун «от!» деса югуриб кетиб, «ёт» деса, олға чопиб, мина, бомба, снарядларга, ўққа дуч бўлиб қирилиб кетдилар.

Менинг таклифим: миллий жумҳуриятларнинг ўз миллий Армиялари тузилсин. Бу Армиялар ўша жумҳуриятларнинг ўз ўрамларида, чегараларида жойлашган бўлиб, ёзги, қишки манёврларда бошқа совет қўшинлари билан жанговар кўриклар ўтказадиган бўлсин.

Бунинг учун Тошкентдаги Ленин номли олий ҳарбий билим юртида, олий танкчилар билим юртида кичик командир ва талантли аскарлардан ўзбек командирлари тайёрлансин. Бу ҳам кифоя эмас. Миллий Армияга жуда кўп кичик ва ўрта командирлар керак. Уларни ҳарбий мавзе қошида қисқа муддатли курсларда, бевосита қисмларнинг қошида вояга етказса бўлади.

Улуғ Ватан уруши йилларида миллий жумҳуриятларни бевосита халқаро масалаларни ҳал қилишда иштирок этишлари учун улар таркибида ташқи ишлар министрлиги таъсис этиш, миллий мудофаа министрликлари тузиш масаласи қўзғалганди. Ташқи ишлар министри лавозимига шоир Ҳамид Олимжон тасдиқланиши олдида бевақт ўлим уни бу мақсадга етказмади. Ҳамид Олимжон Ўзбекистон Жумҳуриятини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тўла ҳуқуқли аъзо қилишни режалаб юрганди. Бу режа ҳам бажарилмади. Фақат СССР, Украина ССР, Белоруссия ССР БМТга аъзо бўлиб кирди.

Ўзбекистон Миллий Мудофаа нозирлиги таъсис қилиш пишиб қолган, ҳатто М. И. Калинин имзоси билан қарор чиққан ва унинг ҳарбий нозири қилиб генерал-майор Собир Раҳимовни тайинланиши учун уни фронтдан Москвага чақириб олинган вақтда нимагадир бу иш тўхтаб қолганди. Эндиликда уни тўхтаб қолган жойидан қўзғатиб юбориш пайти келди. Ҳарбий нозирликка ярайдиган ёш генералларимиз йўқ-ку, дейишса, унга ҳам жавоб тайёр: ҳозирги ҳарбий нозир етук сиёсатчи, иқтисодчи, ташкилотчи, жамоат арбобидан қўйилса янада яхши бўлади.

Ниҳоят, умумий мажбурий ҳарбий хизматни ўташ муддати масаласида. Ҳозирги кунда умумий мажбурий хизмат пиёдалар учун 2 йил, ҳарбий денгиз флотида 3 йил белгиланган. Бу жуда катта муддат. Миллион-миллион ишчи кучларимиз ҳарбий хизматда банд бўлиб қоляптилар. Менимча, умуммаданият юксалиб, Армия хизматига ўрта ва олий маълумотли йигитлар бораётгани учун бу муддатни қисқартириш керак: пиёда қисмлар учун — 12 ой, ҳарбий денгиз учун 20 ой кифоя. Ҳарбий хизматдан юлиб олинган вақт ижтимоий-иқтисодий юмушларга хизмат қилса ёмонми?!

Ўзбек дивизияси мавжудлигида бир пайтлар ўзбек тилида газета чиқарди, радио эшиттириши бор эди. Ўша вақтда ўзбекча ҳарбий атамалар яратилганди. Энди-чи, улар унут бўлиб кетди. Ҳарбий атамаларни ҳар ким билганича, билиб-билмай, чала-чулпа ишлатаяпти. Ваҳоланки, Амир Темур даврида, Бобур даврида пайдо бўлган ҳарбий атамалар ҳали ўз кучини йўқотган эмас.

Жумҳуриятда давлат тили бўлиб, ўз мавқеини тиклаётган ўзбек тилига бошқа тикламалар қатори ўзбек ҳарбий атамалар қонуни ҳам яратилиши керак. Бунинг учун эски ёдгорликларни тиклаш билан бирга истеъфодаги ўзбек генераллари, сипоҳийлари, уруш иштирокчилари, «афғон» йигитларидан фойдаланса яхши бўлади. Умуман, ўзбек ҳарбий атамалари, изоҳли луғатлар чиқариш жуда зарур!

Ёшлардан ихтисосли командирлар тайёрлаш учун ишқивоз, талантли ўсмирларни махсус тайёрлов мактабларига жалб қилиб, уни тамомлагач, ҳарбий билим юртларига имтиёз билан ўқишга жойлаш керак. Ҳозирча жумҳуриятимизда шу соҳага ихтисослашган учта интернат мавжуд. Менимча, буларнинг сонини кўпайтириш керак. Болалар орасида ҳарбий ватанпарварлик тарғиботини кучайтириб, уларда командирлик мутахассислигига ишқибозлик ва муҳаббат уйғотмоқ лозим. Бунинг учун пионер ва комсомол ташкилотлари жонбозлик кўрсатсалар нур устига аъло нур бўлур эди.



Ўзбекистон телевиденияси ва радиоэшиттириш давлат комитетининг Ю. Исматова раҳбарлигидаги «Тановар» ансамбли 20га яқин иқтидорли қиз-йигитларни бирлаштирган. Дилида халқ рақс санъатининг ноёб дурдоналарини тиклашни мақсад қилган ана шундай ёшларнинг бири раққоса Зебо Ирметовадир. У ижро этаётган рақслар ўзига хос мафтункорлиги билан томошабинлар эътиборини қозонмоқда.

Суратда: раққоса Зебо Ирметова.

ЎзТАГ фотолавҳаси.

Саволлар беринг!

Нима учун гуллар ҳар хил рангда бўлади?

Гуллар учун уларнинг ҳидлари қандай аҳамиятга эга бўлса, ранглари ҳам шундай аҳамиятга эгадир.

Ҳашаротларнинг кўзи одамларникидан бутунлай бошқача бўлсада, улар рангларни кўради ва фарқ қилади. Шуниси қизиқки, капалаклардан бошқа ҳамма ҳашаротлар қизил ранг мустақил ранг эмас, балки кулранг туснинг бир тури деб «ўйлайди». Лекин шунга қарамай, асалариларнинг лолақизғалдоқларга қўнишини кўп учратиш мумкин. Нима учун? Чунки, асаларилар лолақизғалдоқнинг қизил рангини кўрмайди, бу ранг асаларига ультрабинафша ранг бўлиб кўринади. Ҳашаротлар эса бу рангни фарқ қилишади.

Гулларнинг ҳар хил рангда бўлишига сабаб нима? Биз ниҳоятда хилма-хил рангдаги гуллар борлигини, ҳатто уларнинг гуллаш вақтида рангларини ўзгаришини биламиз.

Энг кўп маълум бўлган бўёқ моддалар ксантофилл ва каротин ҳамда антоциандир. Ксантофилл гулга сариқ, каротин жигарранг ва антоциан қизғиш-кўк-бинафша тус беради.

Шунинг учун ҳам бўтакўз гулининг ранги ўзгаради. Чунки унга ранг берувчи антоциан лакмус қоғозига ўхшаб ўз рангини ўзгартиради: кислотада пушти рангга киради, ишқорда ҳаво ранг тус олади. Гул очилиб катталашган сари ундан ҳужайралар ширасининг таркиби ўзгаради — бошида кислотали, кейин эса ишқорли бўлади. Гулнинг ранги шунга қараб ўзгараверади.

Курортдан кутилмаган «совға»

Бизда СПИД билан оғриб ўлганлар рўйхати мунтазам ўсиб бораётгани ростми?

Афсуски, рост. Грузия матбуоти яқинда Москвадаги СПИДга қарши профилактика ва эпидемиология Марказий илмий-текшириш лабораториясида Сухуми шаҳрида яшаган ўттиз ёшли аёл ўлганлигини хабар қилган. Грузия ССР ва Абхазия АССР Соғлиқни сақлаш нозирликлари вакилларининг айтишларича, бу аёл вафотидан олдин ўзи билан бўлган бир неча эркакнинг исми шарифини айтган. Улар ҳозир текширувдан ўтишмоқда. Аммо, зудлик билан кўрилган чора-тадбирлардан маълум бўлишича, у аёл республиканинг бошқа шаҳарлари ва районларида ҳам ўзгалар билан «бамайлихотир» алоқада бўлган. Шунинг учун ҳам марҳуманинг суратини ва шерикларида вирус бор ёки йўқлигини аниқлаш учун аноним даволайдиган лабораториянинг адресини эълон қилишга қарор қилишган. Хўш, бу чора нега фақат республикада қабул қилинди? Ахир Сухуми Бутуниттифоқ курорти-ку!

Фойдаси борми?

Оддий сақич билан резинали сақичнинг фарқи нимада? Умуман сақич чайнашнинг зарари борми?

С. МУНОСИБОВ.

Сақич чайнаш Ўрта Осиё халқлари орасида қадимдан урф бўлиб келганлиги маълум. Илгарилари оқсақичлар чайналган. У асосан асалари мўмиёси ва бошқа бир неча моддаларнинг аралашмасидан тайёрланар эди. Шунинг учун ҳам унинг таркибида турли микроэлементлар кўп бўлиб, одам соғлиғи учун фойдали бўлган.

Сақич чайналган вақтда сўлак безларининг иш фаолияти яхшиланади. Милк ва тишлар тозаланади. Бу ўз-ўзидан тиш ва милк касалликларини олдини олишга ёрдам беради. Сақич чайнаганда ошқозонда шира ишлаб чиқариш ҳам яхшиланади ва ошқозон яллиғланиши, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак ярасини олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ошқозони оғрийдиганлар бироз вақт сақич чайнасалар оғриқ тўхтайди ёки камаяди.

Лекин резинали сақични ҳам, оқсақични ҳам оч қоринга ёки кун бўйи чайнаш организм учун зарарлидир. Уни овқатдан сўнг бир икки соатгача чайнаса бўлади.

Агар иложи бўлса, кўпчилик ичида умуман сақич чайнамаган яхши.

Маданият янгиликлари

ЎЗБЕКИСТОН ССРда хизмат кўрсатган артист Олмахон Ҳайитова халқимиз дилидан жой олиб, шуҳрат қозонганига неча йиллар бўлди. У тингловчилар қалбини ўз қўшиқлари билан ром этди. Ҳофиз Комилжон Отаниёзовнинг шогирди ўз устозининг кўплаб ажойиб фазилатларини ва энг аввало қўшиқчилик санъати ноёб асарларининг бой мазмуни ва мусиқавий нафосатини тингловчига етказиб беришдек маҳоратни мерос қилиб олган. Тошкентда бўлган ижодий кеча Олмахон Ҳайитованинг 35 йиллик ижодий фаолиятига бағишланди. Унда хоразмлик халқ ҳофизлари, «Лазги» вокаль-рақс ансамблининг санъаткорлари, Хоразм филармониясининг хонандалари қатнашдилар. Ашулачининг ўзи халқ орасида машҳур бўлган қўшиқларни, шунингдек янги қўшиқларини ижро этди.

ФАРҒОНА область ўзбек музикали драма ва комедия театрининг Шароф Бошбековнинг «Темир хотин» пьесаси асосида саҳналаштирилган асари ўлкадан ташқари ерларда ҳам машҳур бўлиб кетди. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон театрларининг «Наврўз-89» минтақалараро фестивалида. Олимжон Салимовнинг ишига юксак баҳо берилди.

Томошабинлар бу гал ушбу асарни Тошкентнинг «Ёш гвардия» театри саҳнасида кўрдилар. Театр санъати ихлосмандлари ўтган йили минтақада бош театр совринини олган Фарғона артистлари ижро этган спектакль билан танишдилар. Шароф Бошбековнинг бу асари республиканинг бир қанча театрларида, жумладан, Тошкент саҳналарида қўйилаётганига анча бўлди. Шу боисдан ҳам томошабинлар турли режиссёрлар саҳналаштирган бу асарни таққослаш имкониятига эга бўлдилар. (ЎзТАГ).

«Ёш ленинчи» адабий уюшмаси «Шуъла»

ЁШ ИЖОДКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Шуъла» адабий уюшмасининг навбатдаги машғулоти шу йил 18 март соат 14.00да жумҳурият ёш ижодкорларининг «Илҳом» клубида бўлади.

Машғулотга уюшманинг барча аъзолари таклиф қилинади.

ТВ

17 МАРТ — ШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот. 10.00 «Табиат ва биз». Кинопрограмма. 11.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бу ёруғ оламни асранг». 11.50 «Ой бориб, омон қайт». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 13.10 Болалар учун театр. «Сеҳрли сўз». Гулистон мусиқий драма театрининг спектакли. 14.20 «Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?» АвтоВАЗ муаммолари.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қушлар байрами». Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 «Ўзбек тилини ўрганамиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ҳафтанома». 21.15 «Оқшом эртаклари». 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 **Жумҳурият агросаноат комплекси ходимларининг қурултойи. Қурултой қатнашчилари учун санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти.** В. И. Ленин номли СССР Халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Лабиринт». 18.20 Мультфильм. 18.40 «Ёшлар ва қайта қуриш». 19.00 «Новости». 19.20 «Мерос». 20.00 «Ахбор». 20.20 Концерт. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Она айиқ» операциясининг барбод бўлиши». Бадиий фильм.

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.05 «Онам, дадам ва мен». 9.35 «Уй академияси». 10.05 Йил фасллари». 11.05 Режиссёр Г. Козинцев фильмлари. «Дон Кихот». Бадиий фильм («Ленфильм»). 12.40 «Партнёр». 13.10 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Запас вариант». Бадиий фильм (Румыния). 14.35 «Иркит ўрдакча». Мультфильм. 14.55 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 15.55 «Ғолиблар». 16.55 «Ер — она масканимиз». Фотоконкурс. 17.00 «Салом, азизим». РСФСРда хизмат кўрсатган артист М. Суворова куйлайди. 17.25 «Сиёсий суҳбатлар». КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳасини муҳокама қиламиз. 17.55 «Камалак». Халқ ижодиёти телепрограммаларининг VIII Халқаро фестивали. «Покистон вилоятлари бўйлаб мусиқий сайил». 18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Қора бўри ҳақида афсона». Премьера. «Денгиз жанги». Мультфильмлар. 19.30 Ти-би-Эс телевиденияси кечаси (Япония). 21.30 «Вақт». 22.00 Долзарб интервью. 22.10 «Телескоп». 22.35 Ти-Би-Эс телевиденияси кечасининг давоми.

● МТ II

8.30 Эрталабки гимнастика. 8.45 «Оқ бўталоқ». Мультфильм. 9.05 «Экранда 01 хизмати». 9.35 «Кўлдаги оққушлар». Бадиий фильм, субтитр билан («Молдова-фильм»). 12.00 Рус тили. 12.30 Матбуот клуби. 13.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 16.30 «Совет Россияси» видеоканали. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 СССР Олий Совети сессиясида. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Ака-ука Лю́лар». Мультфильм. 1-қисм.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р 03164. Д. — 23198.
Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.